БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 203 (18.381). • Якшанба, 1982 йил 5 сентябрь • Баҳоси 3 тийин.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ТЕРИМДА СУРЪАТ ВА СИФАТ БЎЛСИН!

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 4 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	1,26	5,21		
Сурхондарё	0,54	2,80	0,20	0,20
Навоий	0,62	2,62		
Қашқадарё	0,42	1,50		
ҚҚАССР	0,57	1,45		
Хоразм	0,61	1,09		
Самарқанд	0,32	1,00		
Наманган	0,22	0,95		
Фарғона	0,20	0,88		
Андижон	0,32	0,73		
Сирдарё	0,07	0,23		
Жиззах	0,04	0,17		
Тошкент	—	0,06		
Республика бўйича:	0,39	1,42	0,02	0,02
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	1,01	2,06		
Бухоро	0,21	0,54		
Қашқадарё	0,26	0,43		
Наманган	—	—		
Республика бўйича:	0,69	1,38		

Коммунизмни ўрганайлик

«Коммунизмни ўрганайлик» икки томли нашри босмадан чиқди. «В. И. Ленин, КПСС комсомолга партия раҳбарлиги тўғрисида» номли биринчи китоб В. И. Ленининг комсомолга, ёшларга партиявий раҳбарлик масалаларига оид мақолалари, нутқлари, хатлари ва билдирган фикрлари, КПССнинг ҳужжатлари ва материаллари киритилган. Буларда партиянинг комсомолга раҳбарлик принциплари, форма ва методлари кўрсатилган, ёш авлодни революцион, коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида партиянинг фаолияти акс эттирилган, КПССнинг энг яқин ёрдамчиси ва резерви бўлмиш ВЛКСМнинг роли намойиш қилинган.

«Л. И. Брежнев. Коммунизмни ёшлар қуражак» — тўпламнинг иккинчи китобидир. Бу китобда Л. И. Брежневнинг докладлари, нутқлари, табрикномалари, эсдаликлари тўлиқ ёки қисман эълон қилинган. Буларда ВЛКСМ, совет ёшларининг ҳозирги босқичдаги асосий вазифалари ва ишининг йўналишлари белгиланган бўлиб, В. И. Ленининг «Коммунизмни ўрганайлик» деган васиятининг ривожланган социалистик жамият шароитига татбиқан мазмуни кўрсатиб берилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

РАҲБАРНИНГ ФАЗИЛАТИ

Коммунистик қурилишнинг барча жабҳаларида кенг кўламли вазифаларнинг илгари сурилиши кадрларга бўлган талабни ғоят кучайтирмоқда. Республика партия ташкилотлари КПСС XXVI съезднинг кадрлар билан ишлаш соҳасидаги қарорларини, ўрток Л. И. Брежневнинг бу борадаги йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини бажара бориб, раҳбар кадрлар билан ишлашнинг изчил системасини вужудга келтирдилар. Бу иш мутасил такомиллаштирилмоқда, партия, совет, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг барча бўғинлари сиёсий етук, чуқур эътиқодли, ташаббускор, ишчан, одамларни жипслаштириб, уларни коллектив олдига қўйилган вазифаларни ҳамжиҳатлик билан, бир маромда бажаришга отлантира оладиган, иш самарадорлиги ва сифатини ошира бориб, юксак пировард натижаларга эришишни таъминлайдиган раҳбар кадрлар билан мустаҳкамланмоқда. Натижада меҳнат коллективларининг аксариятида соғлом маънавий муҳит қарор топмоқда, ўн биринчи беш йилликнинг иқтисодий ва социал планлари муваффақиятли бажарилмоқда, коммунизм актив қурувчиларининг янги авлоди камол топмоқда.

Партия йўлини изчил ўтказа оладиган, софдил, қобилиятли, пок принципиал раҳбарлар ҳамиша оммани мутлақ ишончига, иззат-ҳурматига сазовор. Улар раҳбарликнинг ленинча услубини тобора мукаммал эгаллаб бормоқдалар, катта ва кичик масалаларни ҳал этишда ленинча принципиаллик зукколик, сезгирлик билан, истиқболга чуқур илмий назар ташлаган ҳолда иш юритмоқдалар. Қўполлик, маъмуриятчилик бундай раҳбарларга бегона. «Раҳбарнинг ҳислати, — деб ёзган эди доҳиймиз В. И. Ленин — ҳокимият кучи билан эмас, балки обрў кучи, ғайрат кучи билан, тажрибасининг кўплиги, истеъдод ва талантининг ривожланганлиги билан белгиланади».

Коммунист Масодиқ Маднёров ана шундай раҳбарлардан. У одамларнинг кўзи ўнгида камолга етди. Фидокорона меҳнати, юксак идеалларга садоқати, партиявий принципиаллиги, одамларга ғоят яқинлиги ва чексиз ғамхўрлиги туфайли Масодиқ Маднёров фақат Хўжаободда эмас, балки республикада ҳурмат-эътибор топди.

Ана шу ҳурмат ва чуқур ишонч коммунистни юксак мартабага кўтарди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони олий унвонига сазовор бўлди. Маднёров адир ерларда боғ-роғлар барпо этиш ташаббуси билан чиқди. Бу мевазор ва токзорлар Киров номли йирик агросаноат комбинатини ташкил этиш учун асос бўлди. Ҳар бир ишда партия ташкилотига суянаётган талантли, тадбиркор раҳбар ҳануз адир ерларни ўзлаштириш, боғ-роғларни кенгайтириш, қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш маданиятини ошириш, мавжуд резервларни озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга тўла сафарбар этиш ишига бош-қош.

Республикамизда халқнинг эътироф этилган бундай раҳбарлари, истиқболни олдиндан кўра биладиган етакчилари оз эмас. Эллиққалъа районидаги «Москва» совхозининг директори Саъдулла Раҳмонов, Қумқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Чори Алматов, Тошкент районидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» колхозининг раиси Турғун Мирзаев шулар жумласидандир. Газетхон М. Раҳматов Нурота районидаги Ленин номли қоракўлчилик совхозининг бўлим бошқарувчиси Қўлдош Абдуллаевнинг серқирра фаолияти, чўпонлар ҳаётининг фаровонлигини, турмуш даражасини ошириш йўлидаги жонкуярлиги, ташаббускорлиги ҳақида ёзади. Коммунист раҳбар ҳамиша одамлар орасида, уларга ғамхўрликни ўзининг партиявий бурчи деб билади. Коллектив аъзоларининг уюшқоқлиги, иш унумининг ошиши, қувватларнинг тўла ишга солиниши кўп жиҳатдан шундай раҳбарларнинг феъл-атворига, хатти-ҳаракатига, янгиликни ҳис эта олишига ,етилган масалаларни дадил, тўла кафолот билан ҳал этишга боғлиқ. Одамларнинг фикрини босиқлик билан тинглаш, мутахассислар маслаҳатига чинакам эътибор, яхши кунда ҳам, катта масалаларни ечишда ҳам, кичик, кундалик муаммолар ҳал этилаётганида ҳам ёнатрофидагиларга таяниш уларга обрў келтиради. Бундай раҳбарларни эл эътироф этади, уларга ишонч билан эргашади.

Афсуски, баъзи ҳолларда мансаб столига ўтиргач, айрим раҳбарлар босар-тусарини унутиб қўядилар, коллектив аъзоларининг фойдали мулоҳазаларини бетоқат тинглайдиган бўлиб қоладилар, ҳаққоний танқидни ўз обрўларини тўкиш деб тушунадилар. Ҳолбуки, мансаб ҳеч қачон кишига ўз-ўзидан обрў келтирмайди, балки киши ўзининг хушмуомаласи билан, камсуқумлиги, ҳалоллиги, камтарлиги, катта-кичикка баробар меҳрибонлиги, партия ишига чексиз садоқати билан эгаллаб турган мансабини безайди. Шу оддий ҳақиқатни унутган айрим ходимлар коллективнинг барча ютуқларини ўз номлари билан боғлай бошлайдилар, кибр-ҳавога бериладилар, мағрурлик, ман-манлиққа рўжу қўядилар. Оқибатда ўзларининг пала-партиш ишлари туфайли одамларнинг эътиборидан қоладилар.

Бобожон Ҳусанов кўп йиллар турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Хўжаликни бошқариш, иш юритишда муайян тажриба ҳам орттирди. Унинг раҳбарлигида Чуст районидаги Ленин номли колхоз бир қатор ютуқларга ҳам эришди. Колхоз аъзоларининг фидокорона меҳнати бошланғич партия ташкилотининг сиёсий ташкилотчилик ишлари, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлиги туфайли қўлга киритилган ютуқлар уни ювлиқтириб юборди. Босар-тусарини унутган ранс мутахассислар, тажрибали деҳқонлар ўрта бўғин кадрлар билан ҳисоблашмай қўйди. Одамлар билан муомаласида қўполлик, кўрслик, жиззакилик аломатлари пайдо бўлди. Бу коллективдаги соғлом маънавий муҳит бузилишига олиб келди. Меҳнат интизоми бўшашди, иш унуми пасайди, даромаддан барака қочди. Шунда ҳам Ҳусанов эгардан тушмади. Жойида депсиниб қолган хўжаликдаги ишнинг аҳволини яхши кўрсатишга уринди, кўзбўямачиликка, кўрсаткичларни ошириб ёзишга ўтди. Район партия комитетининг бюроси унга ишдаги камчиликларини бир неча бор кўрсатиб берди. Лекин ўзига ортиқча бино қўйган ранс бу принципиал мулоҳазалардан, холис танқиддан тегишли хулоса чиқармади. Катта-кичик йиғинларда баландпарвоз ваъдалар бериб, ваъзхонлик қила берди. Охири эл эътиборидан қолиб, вазифасидан олиб ташланди.

«Ҳозирги раҳбар — деб таъкидлаган эди ўрток Л. И. Брежнев, — ўзида партиявийликни ишнинг кўзини яхши билиш билан, интизомни ташаббус ва ишга ижодий ёндашиш билан бирга қўшиб олиб бориши лозим. Шу билан бирга раҳбар ҳар бир соҳада социал-сиёсий, тарбиявий жиҳатларни ҳам эътиборга олиши, кишиларга, уларнинг эҳтиёжи ва талабларига сезгирлик билан қараши, ишда ва турмушда ўрнак бўлиши лозим». Партия комитетлари кадрлар билан олиб бориладиган ишда ана шу кўрсатмага оғишмай риоя қилишлари, раҳбар ходимларнинг назарий савияларини ошириш, билимларини муттасил чуқурлаштириб бориш, улар фан-техника ютуқларини, бошқаришнинг замонавий услуб ва усулларини пухта эгаллаб олишлари учун тинмай ғамхўрлик қилмоқлари керак. Ходимларда топшириларни участкадаги ишнинг аҳволи учун масъулиятни кучайтириш, улар қарорларни бажариш ва ижроҳи текшириш борасида изчил иш олиб боришларига эришиш ғоят муҳимдир.

Айрим партия комитетлари, бир қатор бошланғич партия ташкилотлари кадрларнинг ишчанлик фазилатини, ташкилотчилик қобилиятини, одамлар билан ишлаш маҳоратини жиддий ўрганмаётирлар. Натижада масъулиятли вазифаларга пухта ўрганилмаган кишиларни қўйиш, партия ва давлат интизомини бузаётган раҳбарлар билан муросасозлик рўй бермоқда. Айрим ҳолларда ўз ишига танқидий кўз билан қараб, истиқболни кўзлаб ишламайдиган, атрофига хушомадгўй ва лоғанбардорларни тўплаб олиб, ишни барбод қиладиган ходимлар билан келишувчилик қилинмоқда. Баъзи партия комитетлари кадрларнинг резервини вужудга келтириш, ишлаб чиқаришда ташкилотчилик қобилиятини намоён қилган мутахассисларни раҳбарлик лавозимларига дадил кўтаришга етарли эътибор бермаётирлар. Малакали инженер-техник ходимлар, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ташкилотчилик иқтидоридан ҳамиша ҳам ўринли фойдаланилмаётир.

Коммунистик партия кадрларни юксак қадрлайди, уларга чексиз ишонч ва чуқур ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлади. Раҳбарларнинг фаолиятига ленинча иш услубини сингдириш ҳамиша диққат-марказида. Бунга жавобан кадрлар халқ хўжалигини интенсив ривожлантириш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари, фан-техника ютуқларини жорий этиш борасида тобора ташаббус, ижодкорлик кўрсатмоқдалар. Кадрлар бундан бўён ҳам ўз куч ва билимларини, малака ва маҳоратларини КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини бажаришга сарфлаяжакларига, ҳар бир коллективда ўзаро ҳурмат ва талабчанлик, ишчанлик муҳитини вужудга келтириб, меҳнатчиларни ўн биринчи беш йиллик планлари, СССРнинг шонли 60 йиллиги шарафига қабул қилинган юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга руҳлантиришларига шак-шубҳа йўқ.

Қашқадарё области. Қарши дашти хўжаликларида ғўза дефолиацияси қизғин олиб бориляпти. Бу муҳим агротехник тадбирда 300 ерда ишлайдиган пуркагичлар ва 90 самолёт ишлатиляпти. Қишлоқ хўжалик авиацияси ёрдамида кўплаб майдонлар дефолиация қилиняпти. «Ленин йўли» ва «Ленинизм» совхозлари Қарши районида биринч бўлиб дефолиацияни тугаллашга аҳд қилишган. Суратларда: 1. Дефолиация қизғин олиб бориляпти. 2. АН-2 самолётининг командири Азиз Қодиров (ўнгда) билан иккинчи учувчи Ҳайдар Анисов.

Ш. Шаропов фотолари. (ЎЗТАГ).

ЖАСОРАТ МАЙДОНИ ПЕШҚАДАМЛАРИ

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

⊙ Юбилей йилининг улкан хирмони кун сайин юксалиб бормоқда. Республикамизда 3 сентябрь куни 23.276 тонна «оқ олтин» териб олинди. Мавсум бошидан буён тайёрланган пахта 83.676 тоннани ташкил этади. Бу 1980 йилнинг 3 сентябридаги кўрсаткичга нисбатан 18.956 тонна кўпдир.

⊙ Шу кунгача 5.381 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

⊙ 455,7 минг гектар майдондаги ғўза дефолиация қилинди. Дефолиация ишлари 499 самолёт ва 2937 ерда ишлатиладиган агрегат ёрдамида олиб борилмоқда.

⊙ Республика матбуот марказига областлардан олинаётган хушхабарлар кетма-кет келиб турибди.

⊙ БУХОРО ОБЛАСТИ

Гиждувон районидаги пахтакорлари бу йил она-Ватанга 80 минг тонна «оқ олтин» топшириш ва бериш мажбуриятини олишган. Йиғим-теримнинг дастлабки кунларидаёқ суръатга қанот боғлаган район пахтакорлари юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Кунлик ўсиш йиллик планга нисбатан 2 — 2,5 процентни ташкил этяпти. СССР 60 йиллиги номли колхозда йиллик планга нисбатан 3 процент миқдорида ўсиш таъминланди.

Вобкент районидаги қўриқ «Вобкент» совхозининг Расул Сафаров ва Ҳошим Толипов бошчилигидаги бригадалар планни бажардилар. Ҳар гектар ердан 18 центнердан ҳосил олинди. Зафар қучган пахтакорлар яна 15 центнердан пахта олишга сўз бердилар.

Пешқу районидаги Навоий номли колхознинг теримчилари Феруза Мунировадан ўрнак олишмоқда. У ҳар куни хирмонга 200 килограммдан «оқ олтин» тўпширмоқда. Илғор теримчи мавсум давомида 12 тонна пахта териб беради.

⊙ СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Ленин йўли районидаги Будённий номли совхознинг механизатори Хўжамқул Рустамов ўтган куни ўз машинаси бункеридан 18 тонна пахта тўкди. У мавсум бошидан буён ўз «зангори кема»сида 78 тонна пахта терди. Шу райондаги Ленин номли совхоз механизатори Роҳатой Шодиева бир кунда 11 тонна пахта терди. Мавсум бошидан буён 36 тонна пахта терди.

Шеробод районидаги Муродов номли совхознинг механик-ҳайдовчиси Муродали Қудратов мавсум бошидан буён 25 тонна пахта терди берди.

Ўтган куни область далаларида 219 та терим машинаси ишлади. Ленин йўли районида 153 терим агрегати пахталарга чиқди.

⊙ ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

«СССР ташкил топган кунинг 60 йиллиги шарафига ҳосилдорликни 50 центнерга етказамиз!» — бу Гузор районидаги «Дружба» совхозининг Ибод Чўянов бошлиқ бригада аъзоларининг мақсадидир. Бу бригада аъзолари областда биринчилар қатори пахта тайёрлаш планини бажариб, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олди.

Область далаларида дефолиация ишлари қизғин бормоқда. Учувчилар пахтакорларга мадад кўрсатишяпти. Н. Топорков ва В. Волков бошчилигидаги учувчилар экипажи мусобақада пешқадам. Улар Қарши районидаги Раҳимов номли ва «Москва» совхозлари пахталарида 2 минг гектар майдонни дориладилар.

⊙ САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

Областда кўпмингкилограммчилар сафи кенгаймоқда. Иштихон районидаги Фрунзе номли колхоз теримчилари Дилбар Норқулова, Жамила Берднева, Каттакўрғон районидаги «Ленин йўли» колхози теримчилари Сайёра Саидова, Тансиқ Қўлдошева 10 тоннадан пахта терди ва мажбуриятини олиб, кунига хирмонга 180—190 килограммдан «оқ олтин» тўкишяпти.

⊙ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари мўл ҳосилни жадал теришмоқда. 3 сентябрь куни тайёрлов пунктларига 37 тонна хом ашё етказиб берилди. Ҳар бир теримчининг ўртача нормаси 52 килограммни ташкил этмоқда. Шу райондаги «Ленинград» совхозида ҳар бир теримчи ҳисобига кунига 50 килограммдан пахта тўғри келяпти.

⊙ НАМАНГАН ОБЛАСТИ

Янгиқўрғон районидаги К. Маркс номли колхознинг теримчилари орасида «Ҳурмат Белгиси»и ордени кавалери Онахон Нишонова намуна кўрсатмоқда. У мавсум давомида 12 тонна пахта териб беради. Айни кунларда 160 килограммга етказиб «оқ олтин» териб олишга эришмоқда.

«Пахтакорларга намунали хизмат кўрсатамиз!» — область савдо ходимларининг бугунги шиори ана шундай. Пахтазорларда 609 сотувчисиз дўкон, 173 автомагазин мунтазам ишлаб турибди. Қишлоқ меҳнаткашларига кундалик зарур маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Сотувчисиз дўконларнинг сони 800, автомагазинларнинг сонини 200 га етказиш мўлжалланмоқда.

⊙ НАВОИЙ ОБЛАСТИ

Навоий районидаги «Зарафшон» совхозининг Шариф Маннонов бошчилигидаги қўриқ бўлими областда биринчи бўлиб планни бажарди. Давлатга 400 тонна пахта сотилди. Бўлим аъзолари дон, полиз ва сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш топшириқларини ҳам муваффақиятли адо этдилар.

Областнинг 7 бригадаси ўтган куни пахта тайёрлаш планини бажарди.

⊙ ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ

Жиззах районидаги «Москва» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Умри Орифжонова, Пардабой Знёдов ва Расул Маҳмудов етакчилигидаги 60 центнерчи бригадалари уруғлик пахта теримини бошлашди. Хўжаликнинг ёш аъзолари Дилбар Содиқова, Барно Умарқулова, Санобар Одилова ҳар куни хирмонга 100—150 килограммдан пахта тўкишмоқда.

Шу райондаги Ленин номли, Навоий номли колхозлар ҳамда Ҳ. Олимжон номли совхозда ҳам уруғлик пахта териб олишга киришилди.

⊙ ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

Охунбобоев районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг Зайнобиддин Ҳасанов бошлиқ оилавий звено ҳар гектар ердан 22 центнердан ҳосил олди. Опа-сингил Матлуба ва Муборак Ҳасанова кунига 150—160 килограммдан пахта теряпти.

⊙ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Тахтакўпир районидаги «Совет Ўзбекистони» совхозида шоли ўрими автоном республикада биринчи бўлиб бошланди. Турдимурод Жумамуродов бошлиқ бригада аъзолари мусобақада пешқадамлик қилаётир. Механизаторлардан Темирбой Жорилкаганов ва Полвонниёз Жолдосовнинг ҳар бири 3 сентябрь куни 6 гектардан зиёд майдондаги шолини ўриб олди. Бу нормадагидан анча кўпдир.

Хўжаликда 7 йиғим-терим транспорт отряди ташкил этилган. Улар ихтиёрида 60 жатка ва 121 комбайн бор. Бу отрядлар составига техник ва маиший хизмат кўрсатиш звеноси ҳам киритилган.

МАМЛАКАТ НЕФТЧИЛАР ВА ГАЗЧИЛАРНИ ҚУТЛАМОҚДА

Нефть ва газ саноатининг меҳнаткашлари мамлакатнинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Иккала тармоқ меҳнаткашларининг профессионал байрами — Бутуниттифоқ нефть ва газ саноати ходимлари кунига бағишланган тантаналы йиғилиш 3 сентябрь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари В. И. Долгих, партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик органларининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, социалистик мусобақа ғолиблари, жамоатчилик вакиллари президиумга чиқадилар.

Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри Б. Е. Шчербина доклад қилди.

Тантаналы йиғилишда новаторларга, энг яхши ишчиларга совет касаба союзлари мукофотининг лауреатлари унвони берилди ва тармоқларнинг атоқли меҳнаткашлари номидаги дипломлар топширилди.

Йиғилиш қатнашчиларн нефтчилар, газчилар, қувур ётқизувчилар ишни янада такомиллаштириш, шу йил ва беш йилликнинг тиғиз топшириқларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун бутун куч, билим ва тажрибаларини сарфлайдилар, деб ваъда бердилар.

(ТАСС).

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Самарқанд область партия-хўжалик активининг 4 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилиши қатнашчилари КПСС XXVI съезди қарорлари асосида моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш соҳасида область партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Йиғилиш иштирокчилари моддий ресурсларни сарфлашнинг илғор, техника жиҳатдан асосланган нормаларини жорий этишга қаратилган ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар савиясини ошириш, хом ашё, материал ва энергияни имкони борича кўпроқ тежаш учун меҳнат коллективларида мусобақани авж олдиришга қаратилган тадбирларни белгиладилар.

Йиғилишда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1982 йил 31 августдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ болани туғиб тарбиялаган кўп болали 410 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилди.

(ЎзТАГ).

Фарғона области ғаллакорларининг меҳнат ғалабаси

Фарғона области ғаллакорлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини бажара бориб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб давлатга дон сотиш топшириғини муддатидан илгари бажардилар. Тайёрлов пунктларига 40.000 тонна дон, шу жумладан 25.000 тонна макажўхори донн топширилди. Давлатга дон топшириш йиллик плани 131 процент қилиб бажарилди. Область хўжаликлари келгуси йил ҳосилига уруғлик учун етарли миқдорда буғдой ва арпа жамғардилар.

Ғаллакорларнинг меҳнат ғалабасига областдаги барча районлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Қува, Тошлоқ, Ўзбекистон, Киров, Олтиариқ, Охунбобоев, Бағдод, Бувайда, Риштон, Фарғона, Фрунзе, Езёвон райбнлари ҳамда Қувасой шаҳри меҳнаткашлари давлатга дон сотиш юзасидан план ва социалистик мажбуриятларнни анча ошириб адо этдилар.

Область маккажўхорикорлари 22 минг гектар экин майдонининг ҳар гектаридан 80 центнердан «каҳрабо дон»олишга қарор қилишган. Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» хўжаликлараро корхонаси маккажўхорикорлари бу соҳада юксак маррага эришдилар. Минг гектар экин майдонининг ҳар гектаридан 102 центнердан, жами 10 минг тоннадан зиёд маккажўхори дони олинди.

Ўрток Л. И. Брежневнинг учинчи табригига жавобан Қува районидан Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Олмахон Аҳмедова ва Р. Каримов, Тошлоқ районидан О. Йўлдошев ва Т. Раҳмонов, Бувайда районидан Х. Мираббосов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари ва бошқа кўпгина бригадалар ҳар гектар ердан 110—120 центнердан маккажўхори дони олиб, мажбуриятларнни муваффақиятли бажардилар. Бағдод районидаги «Большевик», Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон», Бувайда районидаги «Коммуна» ва «Партия XX съезди» колхозларида бошоқли экинларнинг ҳар гектаридан 45—60 центнердан дон олинди.

Ғаллакорларнинг меҳнат вахтасини қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ходимлари қабул қилдилар. Областнинг колхоз, совхоз ва бошқа давлат хўжаликларида давлатга пилла, полиз маҳсулотлари ва хўл мева сотиш йиллик планлари аллақачон бажарилди. Яқин кунлар ичида сабзавот, картошка ва узум тайёрлаш юзасидан олинган мажбуриятлар ҳам бажарилади. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш илдам суръатлар билан бормоқда.

Бугунги кунда область коммунистлари ва меҳнаткашларининг бутун куч-ғайрати пахта йиғим-теримини тезроқ туғаллашга қаратилгандир. Область пахтакорлари давлатга 585 минг тонна «оқ олтин»сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришга азму қарор қилишган. Бу фарғоналикларнинг партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга оширишга, мамлакат Озиқ-овқат программасини ҳаётга татбиқ этишга қўшадиган муносиб ҳиссалари бўлади.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

Ҳамма нарса тахт

Бухоро область партия комитети Қоракўл райони пахтакорларининг йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этиш ва 1982 йил учун зиммага олишган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирларини маъқуллади. Бу ишнинг аҳоятда муҳимлиги ҳисобга олиниб, қоракўлликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва жойларда муҳокама қилиш, шу масала бўйича чора-тадбирлар белгилаш тавсия этилди.

Қоракўлликларнинг тадбирларида, энг аввало, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида ишни бир маромда юксак самара билан олиб бориш кўзда тутилган. Район давлатга бошоқли дон сотиш, картошка тайёрлаш, пилла, қоракўл тери сотиш йиллик планларини муваффақият билан бажарди. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун кураш қизғин бормоқда. Айни кунларда қоракўлликларнинг эътибори пахтага қаратилган. Улар Тошкент технологиясига амал қилиб, ғўза тупининг тўлиқ бўлишига эришдилар. Энг муҳим агротехника тадбирлари, ғўза парвариши сифатли ўтказилди. 24 та йиғим-терим — транспорт отряди ишини пухта ташкил этиш, 219 пахта териш агрегати, 384 прицеп ва бошқа машиналардан унумли фойдаланиш учун барча зарур чоралар амалга оширилмоқда.

Механизаторлар ўртасида ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтириш, пахта терими билан банд бўлган кишилар ўртасида социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш, уларни ҳосил овқат билан таъминлаш, медицина, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш масалалари режалаб қўйилди. У муваққат партия, касаба союз ва комсомол группаларининг кундалик иши бўлиб қолади. Тадбирда йиғим-терим кампанияси муваффақиятини ғоявий жиҳатдан таъминлаш ҳам эътиборда тутилган. Айни кунларда район йиғим-терим бош штаби ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Шонли юбилей олдидан

Андижондаги «Электроаппарат» заводи коллективи ўн биринчи беш йиллик режаларини муваффақиятли бажармоқда. Ўтган муддатда план кўрсаткичлари ортиғи билан адо этилди, маҳсулотнинг деярли тўртдан бир қисми Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилмоқда. Партия ташкилоти, маъмурият, мутахассис ва ишлаб чиқариш новаторлари технологик ускуналарни янгилаш, янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этишда қатъият кўрсатмоқдалар. Машинасозлар 90 та замонавий дастгоҳ ва механизмларни ишга туширдилар. Меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар 90 минг сўм иқтисодий самара берди.

Завод ишчиларининг сиёсий активлиги ва онглилиги меҳнат мусобақасининг кенг оммалашувида ўз аксини топмоқда. Эндиликда ишчи ва хизматчиларнинг 95 проценти меҳнат беллашуви қатнашчиларидир. Юбилей кунигача 15 новатор ишчи беш йиллик планнинг ярмини, 12 киши эса уч йиллик плани бажариш мажбуриятини қабул қилди.

Партия комитети, цех партия ташкилотлари ғоявий-сиёсий ишларни мунтазам такомиллаштириб бормоқдалар. КПСС XXVI съезди материаллари, партиямиз Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг касаба союз ва комсомол съездларида, Ўзбекистонда бўлган чоғида берган муҳим кўрсатмаларини пропаганда қилиш унинг мазмунини ташкил этмоқда. Интернационал тарбиянинг усул ва методлари такомиллашмоқда. Ҳар бир пропагандист ўз чиқишида совет кишиларининг дўстлиги мустаҳкамланиб бораётганлиги, уларнинг ҳамкорликдаги катта ютуқларига оид қимматли фактлардан самарали фойдаланаётир. Корхона коллективи Болгариянинг Ямбол округидаги «Елпом» заводи коллективи билан яқиндан алоқа боғлаган. Коммунистлар, раҳбар кадрлар, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари коллективни тарбиялаш ва уюштириш, корхонада яхши маънавий муҳит яратиш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар.

Андижон шаҳар партия комитети «Электроаппарат» заводи партия ташкилотининг меҳнаткашлари СССРнинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун, сафарбар этиш соҳасидаги фаолиятини ўрганиб чиқиб, эришилган ютуқларни қониқиш билан маъқуллади. Бу соҳада коммунистларнинг актив фаолият кўрсатаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Партия комитетига меҳнаткашлар ўртасида бундан кейин ҳам ташкилотчилик ва сиёсий ишларни такомиллаштириш, уларни пировард юксак натижаларга эришиш учун курашга йўналтириш таклиф этилди.

БУГУН — НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ХАЗИНА КАЛИТИНИ ТУТГАНЛАР

Шундай касб эгалари ҳам борки, уларни оловкорлар деб эъзозлашади. Шундай деганларича бор. Улар бутун куч ва маҳоратларини ишга солиб, ер ости бойликлари — нефть ва газ қазиб чиқаришни тобора жадаллаштиришга, бу билан экономикамизнинг турли тармоқлари тараққиётига баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз ёқилғи-энергетика ресурсларини жадал ривожлантириш, улардан тежаб-тергаб фойдаланишга даъват қилмоқдалар. Бутун мамлакатимиздаги сингари Ўзбекистон нефть ва газ конларининг азаматлари ҳам КПСС XXVI съезди кўрсатмаларини амалга ошира бориб, мавжуд конлардан ёқилғи қазиб олишни кўпайтирмоқдалар, янгидан-янги нефть ҳамда газ конларининг кўзини очмоқдалар. Касб эгалари ўн биринчи беш йиллигимизнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-имкониятларини сафарбар қилаётирлар.

Нефть ва газ саноати ходимлари куни арафасида «Ўзбекнефть» бирлашмаси бош директори Қ. Ж. Ҳаққулов билан телефонда суҳбатлашдик. Қаюм Жалилович қуйидагиларни таъкидлади:

— Бирлашмамиз корхоналарининг коллективлари ўз байрамлари шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришмоқдалар. 1982 йилнинг саккиз ойлик топшириғи муддатидан илгари адо этилди. Ўтган ойлар давомида нефть ва газ қазиб чиқариш топшириқлари зиёда бажарилди. Пландан ташқари кўплаб «қора олтин» ва «зангори олов» қазиб олиниб, халқ хўжалигининг турли тармоқларига етказиб берилди.

Пландан ташқари қазиб олинган ҳар тонна нефть ва газ ишчи ҳамда мутахассислардан ғайрат-шижоат билан ишлашни, юксак маҳорат кўрсатиб меҳнат қилишни талаб этади. Республикамиз нефть ҳамда газ саноати корхоналарининг коллективлари СССРнинг шонли 60 йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун ўтказилаётган зарбдор ҳафталикларда юқори натижаларга эришмоқдалар. Андижон нефтчилари даврасида Рўзибой Саидов бошлиқ участка коллективи пешқадамлик қилмоқда. Участка азаматлари иш вақти ҳамда техника воситаларидан самарали фойдаланиш йўли билан ҳар сменада планга қўшимча нефть қазиб чиқаришга муваффақ бўлаётирлар. Константин Кабанов раҳбарлик қилаётган қудуқларни капитал ремонт қилиш бригадаси меҳнатидан нефтчилар ҳамиша мамнун. Улар ёнилғи қазиб олинаётган қудуқларнинг кечаю-кундуз бир маромда ишлаши учун мукаммал шарт-шароит яратиб бермоқдалар, ремонт ишларини тез ҳамда сифатли бажаришни таъминлаяптилар. Қўқон пармалаш бошқармасининг мастери Исоқ Абдурахмонов, Қарши бошқармасининг мастери Виталий Дунаев, сурхондарёлик мастер Владимир Шурухин, Риштон бошқармаси мастери Абдуманнон Зокиров бошлиқ участкаларда энг юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

Кончилар коллективлари сарфланган меҳнат ва капитал маблағлар самарадорлигини оширишга қаратилган қатор тадбирларни амалга ошириш туфайли нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмини йилдан-йилга кўпайтириб бормоқдалар. Янги-янги газ конлари кетма-кет фойдаланишга топширилиб турибди.

Ж. ҚОСИМОВ.

Суратда: ўз аниъанавий байрамларини катта меҳнат зафарлари билан нишонлаётган Хива компрессор станцияси пешқадам газчиларидан ремонтчи-слесарь А. Бисоров (чапдан), Қ. Бобожонов, машинист Д. Собитов, ишчилардан Л. Зелюнко, Е. Пак, электрчи Л. Маткаримов ва машинист М. Абдурахмонов ўртоқлар.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

6 СЕНТЯБРЬ КУНИ МОСКВАДА, СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР КУНЛАРИ БОШЛАНАДИ

ЯГОНА ОИЛАДА

СССР 60

Бу йил барча совет халқлари СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини кенг нишонлайдилар. Бу байрам СССР халқлари қардошларча дўстлигининг ёрқин намойишидир. Шонли юбилей шарафига СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси коллективи қардош республикалар кунларини муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирларини маъқуллади. Бу ишнинг аҳоятда муҳимлиги ҳисобга олиниб, қоракўлликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва жойларда муҳокама қилиш, шу масала бўйича чора-тадбирлар белгилаш тавсия этилди.

Қоракўлликларнинг тадбирларида, энг аввало, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида ишни бир маромда юксак самара билан олиб бориш кўзда тутилган. Район давлатга бошоқли дон сотиш, картошка тайёрлаш, пилла, қоракўл тери сотиш йиллик планларини муваффақият билан бажарди. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун кураш қизғин бормоқда. Айни кунларда қоракўлликларнинг эътибори пахтага қаратилган. Улар Тошкент технологиясига амал қилиб, ғўза тупининг тўлиқ бўлишига эришдилар. Энг муҳим агротехника тадбирлари, ғўза парвариши сифатли ўтказилди. 24 та йиғим-терим — транспорт отряди ишини пухта ташкил этиш, 219 пахта териш агрегати, 384 прицеп ва бошқа машиналардан унумли фойдаланиш учун барча зарур чоралар амалга оширилмоқда.

Механизаторлар ўртасида ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтириш, пахта терими билан банд бўлган кишилар ўртасида социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш, уларни ҳосил овқат билан таъминлаш, медицина, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш масалалари режалаб қўйилди. У муваққат партия, касаба союз ва комсомол группаларининг кундалик иши бўлиб қолади. Тадбирда йиғим-терим кампанияси муваффақиятини ғоявий жиҳатдан таъминлаш ҳам эътиборда тутилган. Айни кунларда район йиғим-терим бош штаби ўз фаолиятини бошлаб юборди.

— СССР 60 йиллиги барча совет халқларининг катта байрамидир. Бу байрамга серқуёш республикамиз меҳнаткашлари ҳам катта ютуқлар билан келдилар. Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари республиканинг ҳамма муваффақиятлари ҳамда ютуқлари партия ва унинг Марказий Комитети ўтказаётган доно сиёсат билан, севикли Ватанимиздаги барча миллат ва элатларнинг – метиндек мустаҳкам иттифоқининг бузилмас дўстлиги ва ўзаро ёрдами билан, оғамиз улуғ рус халқи билан ҳақли равишда боғлиқ деб ҳисобламоқдалар.

Ўтган олтмиш йил мобайнида республикамиз беқиёс даражада гуллаб-яшнади. Ўтмишда ҳатто оддий миҳ ҳам бошқа юртлардан келтирилган ўлкада эндиликда улкан саноат корхоналари мавжуд. Доҳий В. И. Ленин декрети билан Мирзачўл чинакам гулистонга айланди. Республикада кўплаб янги шаҳарлар, саноат марказлари бунёдга келди. «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш» заводлари республика индустриясининг фахридир.

Ўтган олтмиш йил мобайнида Ўзбекистон пахтачилигида улкан ютуқлар қўлга киритилди. 1924 йили республикада пахта асосан қўл кучи билан етиштирилар эди. Омоч ва кетмон ўрнига пайтдаги асосий иш қуроли эди. Эндиликда пахтачилик тўла механизациялаштирилди. Ўзбекистон СССРнинг асосий пахта базасига айланди. Ўн биринчи беш йилликнинг топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Ўзбекистон меҳнаткашлари шу йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб астойдил меҳнат қилдилар. Янги оширилган мажбуриятлар қабул қилинди. Бу йил республикамиз деҳқонлари 6 миллион тонна пахта етиштириш учун, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча қўпайтириш учун курашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга учинчи Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисда Ўзбекистон меҳнаткашларининг амалга ошираётган ишларига юксак баҳо берган эди. Унинг Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқлари, бу нутқларда ўртага қўйилган йўл-йўриқлар ва вазифалар республикамиз ҳар бир меҳнаткашининг қалбидан чуқур жой олди.

Ҳозир халқ хўжалигининг барча соҳаларида беш йиллик топшириқларни муваффақиятли бажариш учун кураш авж олиб кетди. Республика меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтказилаётган «Ягона оилада» экспозициясида Ўзбекистон ана шундай ютуқларини намойиш этади. Бу экспозицияда Ватанимиздаги барча Республикалар халқ хўжалигининг турли соҳаларида эришаётган ютуқлари билан томошабинларни таништирмоқдалар. Павильонларда очиладиган «Ўзбекистон ССР» экспозицияси ўлкамизнинг шу кунлардаги муваффақиятларини зўр мамнуният билан кутиб оладилар.

Кўргазмадаги фотомонтаж, диаграмма ва экспонатлар республикамиз ютуқларини намойиш этади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, 1981 йил якунларига кўра республикамиз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг голиби деб топилиб, қаторасига тўққизинчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Республикамиз пахтакорлари ўтган йил давлатга 6 миллион тоннадан зиёд пахта топшириб, зиммаларидаги оширилган мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар. Республикада шоликорлик ҳам кенг ривожланди. Қорақалпоғистон АССР республикасининг энг йирик шоличилик районларидан бирига айланди.

Ўзбекистонда пахтачиликни механизациялаштириш юксак чўққига кўтарилди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шу йил республикамиз далаларида 35 мингдан ортиқ «зангори кема» ишлайди. Экспозицияда пахта териш машинасининг модели ҳам бор. Бу модель «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», Тошкент трактор заводи, «Чирчиксельмаш» заводларида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳақида ҳикоя қилади. Бу корхоналарда йилига 6 мингдан ортиқ пахта териш машинаси, 23,7 минг трактор ишлаб чиқариляпти. Машинасозлар бундай техника билан Ватанимиз ва чет элларидаги 19 мамлакат деҳқонларини таминлаётирлар.

Москвада очиладиган кўргазманинг саноат бўлими экспонатларга айниқса бой. Ўзбекистон оғир саноатининг барча корхоналари ўз маҳсулотларини ўтказмоқда. Биргина «Ташкенткабель» заводи 2 минг номдаги маҳсулот тайёрлаяпти. Бу маҳсулотлар мамлакатимиздан ташқари жаҳоннинг 30 мамлакатига экспорт қилиняпти. Экспозициядаги маҳаллий саноат, енгил саноат бўлимлари томошабинларга манзур бўлиши кутилмоқда. Ўзбекистонлик қўли гул усталар томонидан тайёрланган сопол идишлар, турли сувенирлар, чинни идишлар, сўзана, гилам ва мебель комплектлари ўзининг жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу маҳсулотлар жаҳон бозорларида юксак қадрланяпти. Ўтган йилнинг ўзида республикада 147 миллион сўмлик мебель, 250 миллион сўмлик миллий санъат асарлари ва чинни идишлар ишлаб чиқарилди.

Экспозицияда Ўзбекистоннинг ирригация ва мелиорация соҳасидаги ютуқларига кенг ўрин берилган. Ҳозирги пайтда республика мелиораторлари қардош Россиянинг Иваново, Вологда ва Новгород областларида улкан ишларни амалга оширяпти. Ноқоратупроқ зонада колхоз ва совхозлар, йирик чорвачилик комплекслари ва уй-жойлар бунёд этиляпти. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида Ўзбекистон меҳнаткашларининг Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришдаги ишларига юксак баҳо берди. «Сизларнинг Ноқоратупроқ ўлкани ривожлантириш комплекс программасини амалга оширишдаги актив иштирокингизни КПСС Марказий Комитети юксак баҳолайди. Бу — амалдаги интернационализм ғояси намунасидир».

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика саноати юксак даражада ривожланди. Экспозицияда акс эттирилган рақамлар буни исботлайди. 500 минг километрли электр узатиш линияси Ўзбекистон энергетика системасини янада бойитди. Сирдарё ва Тошкент ГРЭСи, Тожикистондаги Нурек ГЭСи, Қирғизистондаги Тўхтағул ГЭСи ва Қозоғистондаги Жамбул ГРЭСларини бирлаштириб турган бу электр узатиш линияси республика электр станциялари қувватини оширди. Эндиликда бу кўрсаткич 9 миллион киловаттга етди. Бу эса 1913 йилдагига нисбатан 2700 марта ортиқдир.

Кўргазмада республикамизнинг фан, маданият, матбуот ва социал-таъминот борасида эришган ютуқлари ҳам кенг намойиш этилади. Ўйлаймизки, Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказилаётган «Ягона оилада» кўргазмаси СССР халқлари қардошларча дўстлигининг ёрқин намойишига айланади.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ВИЗИТ ЯКУНЛАРИ

Чехословакия ва Болгария ўзаро алоқаларни ва ҳамкорликни доимо кенгайтириш учун курашмоқда. Бу ҳамкорлик ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади ва социалистик ҳамдўстлик бирлигини мустаҳкамлашга, Европада ва бутун дунёда тинчликни ҳамда хавфсизликни таъминлашга ёрдам беради. БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Совети Раиси Г. Филипповнинг ЧССРга қилган дўстона амалий визит якунлари тўғрисида у ерда эълон қилинган расмий ахборотда шу ҳақда гапирилади.

Г. Филипповни ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР президенти Г. Гусак қабул қилди ва у ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал билан музокаралар олиб борди.

Музокаралар давомида, дейилади ахборотда, томонлар Совет Иттифоқининг ядро уруши хавфини тугатишга қаратилган тинчлик ташаббусларини юксак баҳолардилар. Тинчлик ишини мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттириш учун ҳамма ишни қилиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Музокараларда ЧССР билан БХР ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Шу муносабат билан томонлар ҳар иккала мамлакат ўртасида 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш асосий йўналишларининг лойиҳасини тайёрлашни икки мамлакат нуфузли органларига топшириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛАДИ

ЛОНДОН, (ТАСС). Буюк Британия Бош министри М. Тэтчер Англия Рейган маъмуриятининг тазйиқига қарамай, Совет Иттифоқига Сибирь — Ғарбий Европа газопроводи учун машина-ускуналар етказиб бериш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга қатъий аҳд қилганлигини таъкидлади.

Бош министр Глазгода (Шотландия) телевидение орқали сўзга чиқиб бундай деди: «Биз машина-ускуналар етказиб бериш ниятидамиз ва шундай қиламиз ҳам. Тузилган битим Буюк Британия учун катта аҳамиятга эга бўлиб, у, табиийки, ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни тўла-тўкис бажаришга ҳаракат қилмоқда».

М. Тэтчер Совет Иттифоқининг буюртмалари Шотландияда ва жумладан «Жон Браун» инжиниринг» фирмаси корхоналарида одамларни кўпроқ иш билан таъминлашга имкон бераётганлигини қайд этди.

Англия бош министри Рейган маъмуриятининг сиёсатига тўхталиб, Вашингтон Британия саноатига қарши кўрган чораларидан «Ўзимни ғоят ранжитилган деб ҳис этмоқдаман», деди. Президент Рейган, деб ўқтирди у, Шотландия компаниясининг аҳволига бефарқ қараётган кишига ўхшайди. Бу компанияга ўз ходимларини қисқартириш хавфи туғилмоқда.

М. Тэтчер АҚШнинг «Жон Браун инжиниринг» компаниясини «жазолаш» йўлидаги уринишлари беҳуда эканлигини огоҳлантирди. У компанияни Вашингтон таъқиб этган тақдирда унинг манфаатларини Американинг суд идораларида ҳимоя қилиш эҳтимолдан ҳоли эмаслигини айтди. АҚШ маъмуриятининг чоралари муносабати билан компаниянинг экспорт операциялари соҳасида унинг ўнун эҳтимол тутилган зарарга келганда шуни айтиш керакки, биз ана шу зарарнинг ўрнини қоплаш учун тегишли қадамлар қўямиз, деди Британия бош министри.

ТОКИО, (ТАСС). Япония ҳукумати Вашингтоннинг талабларини рад этади. Вашингтон Америка технологиясидан фойдаланаётган чет эл фирмаларининг нефть ҳамда табиий газни қазиб чиқариш ва ташиш билан боғлиқ машина-ускуналарни Совет Иттифоқига етказиб беришини тақиқлашга қарши жорий этган «жазо чоралари»га хилоф бўлган тақдирда ҳам СССРга экспорт қиларишлари мумкинлиги» тўғрисида хабардор қилди. Япония ҳукумати СССРга машина-ускуналар етказиб беришга қарор қилган фирмаларни қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ

ВАРШАВА, 3 сентябрь. (ТАСС). ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида Польшадаги ижтимоий-сиёсий вазият кўриб чиқилди. ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси мамлакатда турмушнинг барқарорлашув жараёни кучайиб бораётганлигини, шунингдек гражданларнинг яна хавфсизлиги ҳиз этаётганликларини экстремист кучлар бузишга уринганликларини қайд этди. 1980 йил август воқеаларининг йиллиги яни ижтоарлик авантюраси учун бир баҳона бўлиб хизмат қилди, ундан қузатилган мақсад эса Америка маъмуриятининг режаларига мувофиқ Польшани яна нотинчлик ва тартибсизликлар манбаига айлантириб қўйишдан иборатдир.

Сиёсий бюро экстремистларнинг хатарли ҳаракатларини қоралади, ана шу ҳаракатлар натижасида қурбонлар ҳам бўлди. Таассуфга лойиқ фактлар содир бўлганлиги учун бутун жавобгарлик тартибсизликларнинг илҳомчилари ва ташкилотчиларига зиммасига тушади.

ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси тўғрисидаги хабарда 31 август куни ҳамма корхоналарда, барча муассасаларда иш нормал давом этганлиги алоҳида таъкидланади. Ишчилар синфи, меҳнаткашлар мамлакат учун масъулият ҳиссига, барқарорлик ва осойишталикка бўлган муддаога амал қилиб, ўзларининг ҳурматга лойиқ гражданлик позициясини намойиш этдилар. Партия органлари ва ташкилотларининг сиёсий активлиги осойишталикнинг муҳим омили бўлди.

ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси тартибни тиклаш борасидаги қатъий, шу билан бирга вазмин ҳаракатлари учун граждан милицияси, ҳавфсизлик хизмати, граждан милициясининг кўнгилли резерви ходимларига миннатдорчилик билдирди. Социалистик давлат манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр турган Польша қўшини офицерлари ва солдатларининг роли юксак баҳоланади.

Ишчилар синфи, барча софдил меҳнат аҳли тартибсизликларни чиқарувчиларга, анархия кучларига ўзларининг ватанпарварлик позицияси ва меҳнатини бундан бўён ҳам қарама-қарши қилиб қўядилар, деб қатъий ишонч билдирилди. Тартибсизликларни чиқарувчилар, анархия кучлари ўзларининг антисоциалистик мақсадлари йўлида Польшанинг бошига чексиз хавф-хатар солишга уринмоқдалар. Сиёсий бюро коммунистларга, барча поляклларга мурожаат қилиб, мамлакат бахт-саодати йўлида бунёдкорона меҳнат қилишга, халқнинг ватанпарварлик кучларини жипслаштиришга даъват этди.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ЮКСАК БАҲО

ЛУАНДА. МПЛА меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси, АХР планлаштириш министри Лопу Ду Насименту ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Ангола Халқ Республикаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг халқаро кескинликни юмшатишга, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари ҳамда таклифларини батамом қўллаб-қувватлайди.

Совет Иттифоқи уруш нима эканлигини яхши билади, деди у. Худди шу боисдан у тинчликсевар ташқи сиёсий йўлни изчиллик ва қатъият билан ўтказиб келмоқда, янги уруш хавфининг олдини олиш учун ғоят кўп куч-ғайрат сарфламоқда. Биз Анголадагилар ҳам уруш нима эканлигини, у кишиларнинг бошига ғам-алам ва кулфатлар солишини биламиз.

Ҳозирги вақтда Ангола жанубида кескин вазият сақланиб қолмоқда. ЖАР ирқчилари АҚШнинг гумаштачилигида Ангола территориясининг бир қисмини оккупация қилиб турибди, Ангола Халқ Республикасигагина эмас, шу билан бирга Африка жанубидаги бошқа прогрессив мамлакатларга ҳам қарши агрессив сиёсатни давом эттирмоқдалар. АҚШ бошчилигидаги халқаро империализм шу регондаги вазиятни нотинч қилиш учун Претория ҳарбийларининг қароқчилик ҳаракатларини рағбатлантирмоқда, жаҳон миқёсида қуролланиш пойгасини кучайтириш ва ҳарбий можароларни авж олдириш йўлини ўтказиб келмоқда.

Лопу Ду Насименту Совет — Ангола муносабатлари ривожланишига юксак баҳо берди. У ана шу муносабатлар бундан буён ҳам иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида кенгайиб, мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдирди.

ИНСОННИНГ ЭНГ ОДДИЙ ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛМОҚДА

ВАШИНГТОН. «Биз Жаҳон тинчлик кенгашининг Чили халқи билан бирдамлик ҳафталигини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз», — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда сиёсатни ўрганиш институтининг масъул ходими, Чилининг таниқли ватанпарвари марҳум О. Летельернинг рафиқаси Исабель Летельер.

«Кейинги йилларда Пиночет хунтаси Чили халқига қарши репрессия сиёсатини кучайтириб, бунда одамларни қийноққа солиб, инсоннинг энг оддий ҳуқуқларини қўпол равишда бузмоқда. Хунта ўтказаётган иқтисодий сиёсат мамлакатни тўла ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Ишсизлик бу мамлакат учун чинакам мисли сиз кўлам касб этди», — деди у.

И. Летельер Чили халқи билан бирдамлик ҳафталиги катта сиёсий аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади.

ШАРҚ БИЛАН ҒАРБ МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН

ЛОНДОН. Буюк Британия лейбористлар партиясининг таниқли арбоби, парламент депутати А. Вежвуд Бенн Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларини ривожлантириш керак деган фикрни билдирди.

Ҳар томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш, деб таъкидлади у «Стрейт - лефт» журнали мухбири билан суҳбатда, тинчлик учун, уруш чиқиши хавфининг олдини олиш учун курашнинг таркибий қисмидир. Сибирь — Ғарбий Европа газопроводи қурилиши тўғрисидаги битимнинг имзоланиши бу жараёндаги муҳим бўғинларнинг бири бўлди. Томонларнинг ҳаммасига наф келтирадиган бу лойиҳани табриклмасдан бўлмайди, деб уқтирди Англия парламентининг аъзоси. Маълумки, ҳозир Қўшма Штатлар маъмурияти ана шу газопровод қурилишига ҳалақит бериш учун зўр бериб уринмоқда. Аммо президент Рейган Ғарбий Европа мамлакатларининг манфаатлари айни Шарқ билан Ғарб ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан талай даражада боғлиқ эканлиги фактини ҳисобга олмаяпти. Шу сабабли, деб таъкидлади А. Вежвуд Бенн, Америка маъмуриятининг уринишлари муқаррар барбод бўлади.

(ТАСС, 4 сентябрь).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет савдоси системасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Тошкент Марказий универмаги директорининг ўринбосари ўртоқ Бобожон Маҳмудова «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими» фахрий унвони берди.

МУТАХАССИСЛАР ОТРЯДИ КЎПАЙМОҚДА

Сурхондарё областининг йирик саноат маркази — Денов шаҳрида очилган кечки озиқ-овқат техникуми областнинг ёғ-экстракция заводи ва бошқа озиқ-овқат корхоналари учун ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашга киришди.

Техникум Сурхондарёдаги ўрта махсус ўқув юртларининг ўн олтинчисидир. Бу ўқув юртларида халқ хўжалиги учун, соғлиқни сақлаш, маданият муассасалари учун, саноат ва қишлоқ хўжалиги учун қирқ хил мутахассис тайёрлаб чиқарилади.

ЎзТАГ.

БУТУН ҲОСИЛНИ ЙИҒАЙЛИК, АСРАЙЛИК ВА ҚАЙТА ИШЛАЙЛИК!

САРАТОВЛИКЛАР ТАШАББУСИ АМАЛДА

Саратов областининг халқ депутатлари «Известия» газетаси саҳифаларидан «Бутун ҳосилни йиғайлик, асрайлик ва қайта ишлайлик!» шиори остида умумхалқ ҳаракатини авж олдиришга даъват қилдилар. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бу ташаббусни маъқуллади ва қўллаб-қувватлади.

Республика халқ депутатлари область ва район ижроия комитетларининг барчаси депутатлар мурожаати юзасидан ташкилий ишларни бошлаб юборишди. Кўплаб қишлоқ Советлари ташаббусни ривожлантириш борасида ўз тадбирларини ишлаб чиқдилар. Андижон область ижроия комитети халқ депутатлари Пахтаобод район Совети, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитети ва район комсомол комитетининг биргаликдаги тадбирларини маъқуллади ва уларни областда кенг ёйиш чораларини кўрди. Бухоро область ижроия комитети беш йилликнинг иккинчи йили ҳосилини ўз вақтида йиғиб олиш ва тўла сақлаб қолиш учун курашиш юзасидан тадбирлари белгиланди. Бошқа кўпгина ижроия комитетлар ҳам шундай йўл тутдилар.

Ҳамма жойларда назорат штаблари, бирлашган группалари тузилди ва ўз фаолиятини бошлаб юборди. Депутатлар, халқ назоратчилари, прожекторчилар, ҳосил йиғим-терими олиб борилаётган бригадалар, қайта ишлаш корхоналари, ҳосил маршрутлари, омборхоналар бозорлар ва магазинлардаги қишлоқ мухбирларининг минглаб постлари дала, боғ ва токзорларнинг маҳсулотини ўз вақтида йиғиб-териб олиш, етказиб бериш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш чораларини кўрмоқдалар.

Республика Олий Совети Президиумининг матбуот марказига жойлардан келаётган ахборотларда у ерларда депутатлар, группалар, постлар олиб бораётган назоратчилик ишлари, нобудгарчиликни камайтириш юзасидан олиб борилаётган кампаниянинг бориши тўғрисида тепирилади. Наманган областида шундай рейд группаларидан бири ташкил қилинио, унинг составига қишлоқ Советидан тортиб республика Олий Советининг депутатигача киритилган эди. Улар ишлаб чиқарувчилар: колхозчи, халқ депутатлари Қумқўрғон қишлоқ Советининг депутати Н. Назарова; бригадир, халқ депутатлари Наманган район Советининг депутати Б. Бурхоноз; ишчи, халқ депутатлари Наманган шаҳар Советининг депутати А. Холмирзаева; колхозчи, халқ депутатлари область Советининг депутати К. Мухсинова; бригадир, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ж. Каримовалардир Улар сабзавот пушталаридан савдо-расталаригача, консерва заводи, омборларгача бўлган йўлни босиб ўтдилар. Рейд материаллари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида умумлаштирилди.

НАМАНҒАНДАГИ КОЛХОЗ ЬОЗОРИ йилнинг ҳамма даврида ҳам гавжум бўлади. Аммо у айниқса кузда, ёзнинг иссиқ қуёши ўз тафтини пасайтирган ва бозордаги расталар жануб сахийлигининг меваларидан синай-синай деб турганда янада гавжумлашди. Қўргазмадаги каби байрамона жиҳозланган, ёнма-ён қилиб терилган олмалар, ноклар, анор, шафтоли, помидор, бодринг, бақлажонлар ранг-баранг товланади. Уларнинг барчасини санаб ўтиш қийин.

Бунга тенг келиш жуда мушкул, аммо Наманган шаҳар озиқ-овқат савдоси идораси бозорнинг марказида ўз мева-сабзавот магазинини очди ва у ҳеч бир жиҳатдан бозордан ортда қолмаяпти, навбатда турганларнинг кўплиги жиҳатидан эса ҳатто ундан «ўзиб кетди». Текшириш куни бу ерда картошка, помидор, пиёз, бақлажон, лавлаги, гармдори, тарвуз, қовун, қовоқ, узум, шафтоли, олхўри, олма, нок ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилишаётган эди.

Балки фақат бу магазиндагина иш шундай ташкил қилингандир? Йўқ. Маҳсулот билан бундай савдо қилиш Мирқорайсидаги бошқа бозор магазинларида ҳам шундай ташкил этилган. Шаҳар озиқ-овқат савдоси идорасининг 23 ихтисослаштирилган магазини, икки павильони ва бир ярмаркаси бутунги кунда айлана бўйлаб тўппа-тўғри даладан савдо расталарига сабзавот ва мева етказиб бериш йўли билан иш олиб бормоқда. Савдо кўчаларда ташкил қилиниб, маҳсулотлар яшчикларнинг ўзидан хоридорларга сотилмоқда.

— Биз бу йўл билан кўпроқ вақтни тежаб қолмоқдамиз, маҳсулотларни тезроқ етказиб келяпмиз, мева-сабзавот сифати ҳам аъло даражада сақланиб қолмоқда, — дея тушунтиради шаҳар озиқ-овқат савдоси идорасининг директор ўринбосари А. Каримов.

Ҳақиқатдан ҳам шундай. Бу йил августнинг охиригача ўтган йилнинг шу даврига қараганда шаҳарда 540 тонна картошка, 504 тонна сабзавот, 351 тонна полиз маҳсулотлари, 96 тонна узум, 13 тонна мева кўп реализация қилинди. Ҳозирдаёқ 1200 тонна картошка қишга сақлаб қўйиш учун омборларга юборилди, 35 тонна бодринг тузлаб қўйилди.

Хўш, ҳеч қандай муаммо йўқми?

Савдо ходимларининг ўзлари тан олганидек, хотиржам бўлишга ҳали эрта. Шаҳар савдо ташкилотлари сақлаш ва реализация қилиш вақтида ҳали кўплаб мева-сабзавот маҳсулотининг нобуд бўлишига йўл қўймоқдалар .Нобудгарчилик ва сифатсизлиги учун чегириш асосида 1,5 йил ичида 77 тонна картошка, 135 тонна сабзавот, 13 тонна мева, шунингдек, молга озуқа сифатида 22 тонна картошка, 90 тонна сабзавот йўқотилган.

Июль ва август ойларида шаҳарликлар дастурхонига карам ва сабзи етказиб берилмади, чунки улар магазин расталарининг ўзида ҳам йўқ. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда эътиборсизликка йўл қўйилган: ерга карам ва сабзининг эрта ва кеч пишадиган навларини экилиб ўрта навлар ҳақида эса қайғурилмаган. Маҳсулот етказиб беришда йўл қўйилган камчилик ана шундан келиб чиққан.

Маҳсулот етказиб бериш учун ажратилган транспортлар ишида ҳам ҳамма нарса қониқарли эмас. Маҳсулот ортилган машиналарнинг базаларда ўлчаниши ва назоратга олиниши билан қатъий график асосида магазинга йўл олишини кўзда тутадиган юк қабул қилиш ва етказиб беришнинг аниқ системаси жорий этилган бўлса-да, бу ишда ҳам камчиликлар ҳамон мавжуд. Бу айниқса шаҳар камроқ машина ажратган вақтда рўй беради. Ўрта ҳисобда ҳар куни 156 машина ажратилиши лозим бўлган бир вақтда текшириш чоғида 21 августдан 26 августгача 84 тадан 113 тагача машина ишлаган. Натижада маҳсулотнинг бир қисми омбордан олиб чиқиб кетилмади, харидорга етиб боргунича ўз сифатини йўқотди.

Микрорайсидаги бозор магазинининг харидорлари сотувчиларнинг маҳсулотни танлаб олишларига йўл қўймасликлари, баъзан маҳсулот чиқиндиларини ҳам қўшиб беришлари устидан арз қилдилар. Магазинга келтирилган маҳсулотнинг барчасини энг сўнгги донасигача реализация қилишга интилиш тушунарли, албатта, аммо бутун кун давомида, баъзан ундан кўпроқ вақт офтобда ётган маҳсулотни ҳисобга олиш ва ўз вақтида ностандарт материалларни ажратиб қўйиш зарур.

Бу ишда халқ контроли постлари ва «комсомол прожектори» ижобий роль ўйнашлари мумкин. Афсуски бу иш яхши йўлга қўйилмаган ва шаҳар озиқ-овқат савдо идораси, халқ депутатлари шаҳар Совети жамоатчилик ташкилотларининг юксак эътиборини талаб қилади.

Шаҳар ичида жойлашган аграр саноат бирлашмасининг фирма магазини ва область матлубот союзининг «Табиат туҳфалари» магазини коллективларининг иши қатъий танқидга лойиқ. Магазинларнинг директорлари Д. Боқижонов, ва Б. Ҳожимирзаевлар областда мўл сабзавот ва мева ҳосили етиштирилганига қарамай, уларнинг магазинларида ирган шафтоли ва қовунлар, майда ва эзилган картошкалар, сифатсиз пиёз билан савдо қилинаётганлигининг сабаби нимада эканлигини аниқ тушунтириб бера олмадилар. Магазин директорларининг биргина нигоҳи орқали сотувчилар чириб кетган маҳсулотни тезда йўқотишга киришдилар. Аммо бундай ҳолнинг яна қайтарилмаслигига ишониш қийин эди. Янги ҳўл мева ва сабзавотларнинг кўпгина турлари билан савдо қилиш ўрнига «Табиат туҳфалари» магазини ўз харидорларига килограмми 8 сўм турадиган бодомки тавсия этмоқда.

Энди маҳсулот етказиб бериладиган, у етиштириладиган жойларни кўздан кечиришнинг вақти келди. Қани кўрайликчи, бу ерда олдини олиш мумкин ва лозим бўлган нобудгарчиликлар йўқмиқан?

Тельман номли колхоз шаҳарга сабзавот етказиб берувчи асосий хўжалик. Шаҳар чеккасидаги хўжалик 23 минг тонна турли хилдаги сабзавот тайёрлайди.

— Биз 35 минг тонна сабзавот етиштиришимиз мумкин, — дейди колхоз раиси қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Марат Умаров. — Плаиимиз эса 26 минг тонна, қолганлари нобуд бўлади. Стандарт маҳсулотнинг барчасини ўз вақтида йиғиб олишга ва топширишга имконимиз йўқ. Мана бугунги ҳолни олайлик. Бақлажонлар пишиб етилди. Консерва заводи билан 60 тонна маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартнома тузилган, у эса бугунгача 12 тонна маҳсулот қабул қилиб олди — бошқа қабул қилишни эса истамаяпти. Хўш, биз қандай йўл тутишимиз керак. Қолган маҳсулотни қаерга жўнатайлик? Шаҳарга етказиб берамиз, аммо шаҳарга ҳам бунча маҳсулотнинг кераги йўқ. Масалани ҳал қилишнинг йўли бор. Яқинда мен Ангренда бўлгандим: у ерда бақлажон шаҳримиздагига қараганда қимматроқ. Маҳсулотни уларга етказиб бersак бўлмасмикан? Бўлади. Колхозга ҳам, Ангренга ҳам бу иш фойдали. Аммо транспорт йўқ. «Узплодоовощвинпром»да транспорт бор. Аммо улар юк ортиш учун берилмайди. Шу билан занжир узилди. Бақлажон пушталарида қолаверади ва ўз стандартлигини йўқотади. Балки кейинроқ у йиғиб олинар, аммо керагидек маҳсулот бўлмайди. Нобудгарчиликми? Ҳа! Бошқа маҳсулотлар билан ҳам шундай ҳол рўй беради.

Шундай бўлишига қарамай колхозда маҳсулот нобудгарчилигини йўқотиш юзасидан анча иш қилинмоқда. Сабзавотчиликнинг асосий тури бу ерда помидордир. Юқорида номи тилга олинган консерва заводига 11,5 минг тонна помидор етказиб берилади. Яқин вақтгача бу ерда помидор нобудгарчилиги ҳафтасига минглаб тонналарни ташкил этарди. Тарасиз юк ташишнинг контейнер усулига амал қила бошладик. Бу усул жуда қулай. Илгаридаги бир неча ўн минг сўмлик ёғоч яшчикларни чегириб ташлардик. Чунки улар икки-уч марта юк тащилгач, ишдан чиқарди. Ҳозирда эса ҳар бирининг ҳажми 500 килограммдан бўлган (Тўрақўрғон заводида тайёрланган) 400 та металл контейнерлар колхознинг 32 юк ташиш машинасида, прицепларда ва тракторларда маҳсулотни заводга етказиб беришда ҳар қандай тезликни таъминлай олади.

Аммо маҳсулот етказиб беришнинг бу усули ҳам нобудгарчиликдан қутқармайди. Тўғри, бу усул юк ортишда ҳам, юк тушириш да ҳам жуда қулай. Бу эса йиғим-терим мавсумининг авж олган пайтида, завод эшикларида 50—70 та машина қаторлашиб турган бир вақтда жуда муҳимдир. Шундай ҳолдар ҳам бўладики, машиналар завод дарвозаси олдида суткалаб туриб қоладилар. Бу контейнерлар эса масалани ҳал этишда ёрдам беради — юк тушириш жуда тез усулда амалга оширилади: эшиклар очилиши билан помидорлар ўзи тўкилаверади.

Бироқ, текширишнинг кўрсатишича нобудгарчилик ҳозир ҳам кам эмас. Контейнерда 500 килограмм помидорнинг бўлиши кўп. Пост аъзоси, комсомол, транспорт тракторининг ҳайдовчиси Абдураҳим Аҳмедов шундай деб ҳисоблайди. Помидорлар эзилади. Шарбати эса йўлга оқиб кетаверади. Колхоз ишлаб чиқаришининг ветерани Холиқжон Мусабоев доимо заводда: у хўжалик манфаатларини кўзлайди, юк тушириш ишларини назорат қилади. Масалан, бўшатиш чоғида помидорларнинг бир қисми контейнерларнинг остки қисмида қисилиб қолади. Бироқ қисқичсиз уларни транспортер устига чиқариб ташлаш мумкин эмас. Табиийки, бундa помидорлар эзилади. Мусабоев жонажон колхозига ҳам эътироз билдирди. Теримчилар ҳам теримни эътиборсиз олиб борадилар. Ҳар уч помидордан бири банди билан терилган. Конвейерда вақтнинг кўп сарф бўлиши, ҳақ тўлашдаги нуқсонлар, консерва маҳсулотлари сифатининг пасайиши ана шундан.

Нобудгарчиликка тўсиқ қўйишда колхоздаги депутатлар, халқ назоратчилари, комсомол активлари, қишлоқ мухбирлари ҳамма ишларни қиляптилар, деб бўлмайди.

МАРШРУТИМИЗНИНГ ЯНА БИР ПУНКТИ — консерва заводи. Утган мавсумдан сўнг ўтган вақт ичида бу ерда томат линияси реконструкция қилинди, янги асбоб-ускуналар ўрнатилди, эскириб қолган трубалар янгилари билан алмаштирилди. Ҳулдас, ишнинг бир маромда олиб борилиши учун ҳаракат қилишди: илгари доимий равишда технология жараёни бузиларди. Меҳнат унумдорлиги ўсди. Қиёс қилайлик: ўтган йилнинг августида бир кунда ўрта ҳисобда 320 туб томат пастаси ишлаб чиқарилганди, ҳозирда эса — 420 та. Кейинги ойда мавжуд қаралари узиш кўзда тутилган. Завод директорига савол бирмурожаат қиламиз: корхона нима учун Тельман номли колхозда бақлажонларни қабул қилиб олмаяпти? Завод директори А. Бойдадаев бундай дейди:

— Чунки завод бирданига 60 тонна маҳсулотни қайта ишлаш имконига эга эмас, унинг устига бошқа хўжаликлар ҳам бақлажон топширадилар. масалан, «Косонсой», «Ленинизм», «Комсомолобод» совхозлари билан маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартнома тузилган.

15 августдан 26 августгача завод колхоздан бирор килограмм маҳсулот қабул қилиб олмади. Бу вақт ичида бақлажон пишиб ўтиб кетди ва молга озуқа учун бериладигани бўлди.

Ҳақиқатан ҳам завод қисқа муддатда, айтайлик 15—20 кунда пландаги барча бақлажонларни қайта ишлашга қодир эмас. Бунинг учун завод икра тайёрлаш жараёнини бутунлай қайта қуриши керак. Завод эса 52 турдаги маҳсулотни қайта ишлайди.

Масалани ҳал этишнинг бошқа йўли бўлса керак. Хўжаликлар билан шартнома тузишда маҳсулот етказиб беришнинг муддатлари ҳақида келишиб олиш зарур. Ўша 60 тонна бақлажонни колхоз бутун куз давомида пешма-пеш етказиб бериши лозим эди. У эса бир йўла етиштирган. Заводдагиларнинг ишонтиришича, улар мавсум сўнггигача барча маҳсулотларни қабул қилиб оладилар. Фақат навбатма-навбат. Ана шундагина хом ашё нобудгарчилиги жиддий камайиши мумкин. Область ижроия комитети, қишлоқ хўжалиги бошқармаси ана шундай низоли масалаларни ҳал этишда ва томонларга мушкул шароитдан чиқиш йўлини кўрсатишда ёрдам беришлари мумкин эди. Ҳеч бўлмаса келажакда шундай йўл тутиш лозим.

Заводнинг маҳсулот етказиб берувчиларга бошқа эътирозлари ҳам бор. Кичкина бир мисол: ошқовоқлар қатъий бир муддатда етилган ҳолда қабул қилинади. Хўжаликлар эса уларни 1—2 кун ушлаб туришиб, уларнинг оғирлашишини кутишади. Кўринишдан фойдалига ўхшайди, текширишда эса сифатини йўқотганлиги, хом ашёнинг эса ишдан чиқанлигини кўрамиз. Хулас фойда эмас, балки яна хўжасизлик оқибати келиб чиқади. Шартномаларда ана шундай пунктларни ҳам кўзда тутиш зарур, шу асосда завод маҳсулот етказиб берувчиларга ва уни етказиб бериш муддатларига ўз таъсирини ўтказа олсин. Яна бир мисол, текшириш куни завод 4 тонна бақлажон ва 140 килограмм сабзи қабул қилиб олди. Бу бақлажонлардан икра тайёрлаш учун эса 400 килограмм сабзи керак бўлади. Нима қилиш керак? Ишлаб чиқаришни тўхтатиш мумкин эмас-ку. Завод сабзини бозордан сотиб олади .Яна нобудгарчилик, устига-устак кўп миқдорда.

Завод айби билан йўл қўйилаётган нобудгарчиликлар ҳам бор. Завод дарвозалари олдида машиналар ҳамон қаторлашиб туради. 500 килограммли контейнер бир кун туриб қолиши натижасида маҳсулот ностандарт даражага келади, ҳолбуки, уларнинг ҳаммаси бир доналаб пуштаолардан теріб олинган. Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг малакаси етарли эмаслиги ва ностандарт маҳсулот етказиб берилиши натижасида асбоб-ускуналар тез-тез ишдан чиқади, бу эса ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишига олиб келади.

Заводнинг яна бир қанча муаммолари ҳам бор. Улар орасида мутахассислар, кадрлар етишмаслиги — энг асосийси. Етоқхона, турар жойлар керак. Область ижроия комитети бу ишда заводга ёрдам кўрсатиши лозим. Заводга ўзининг минг тонналик омбор-холодильники бўлиши ҳам ниҳоятда зарур.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, биз маҳсулотни йиғиштириб олиш ва қайта ишлашдан етиштирилган ҳосилни асрашгача бўлган масалаларни кўриб чиқдик. Саратовлик депутатлар етиштирилган ҳосилни сақлай билишга ва ўз вақтида аҳоли дастурхонига етказиб беришга асосий эътиборни қаратган эдилар. Қиш ўртасида ёки келгуси ҳосилгача бўлган ўтиш даврида муҳимдир.

Наманган район райпосиниг тайёрлаш конторасиг — бу областдаги намунали ташкилот. Унинг минг тонна маҳсулот сақлашга мўлжалланган бир мева омбори ва 750 тонна картошка сақлашга мўлжалланган яна бир омбори бор. Ундан ташқари 100 тонна пиёз сақланадиган ертўла ва худди шундай ерости мева омбори мавжуд. Контора директори ўринбосари А. Аҳмедовнинг тушунтиришича, маҳсулотни омборларга ташиб киргизишдаги асосий вақт сентябрнинг иккинчи ярми ва октябрь ошларига тўғри келади.

Буни коллективнинг 150 аъзоси меҳнат ғайратининг жўш урган вақти деб тушунмоқ керак. Ҳозир эса бир неча киши Красноярск шаҳрига жўнатиш учун пиёзларни ажратмоқда. Территориянинг бошқа қисмида эса жимжитлик, омборлар ҳам бўш.

Шундай қилиш тўғримикан? Ёз ва куз ойларининг ҳозирги кунларида омбордан область мамлакат шаҳарларига етказиб берадиган тез бузиладиган маҳсулотларни сақлашда ёки қайта ишлаш корхоналари ҳом ашёсини сақлашда фойдаланиш мумкин эмасми? Бундай қилиш мумкин эмас экан. Чунки, идораларга бўйсиниш бунга йўл қўймайди. Яна ўша идораларга бўйсиниш...

Бундай холодильник-омборлар «Заркент», «Нанай», «Косонсой», «Бухоро» совхозларида ҳам мавжуд. Шаҳар озиқ-овқат савдо идораси ҳам ўзининг икки омборига эга. Афсуски, шундай пайтлар бўладики, бу омборлар бекорга бўш ётади. Бу эса ишдан оқилона фойдаланилмаётганлигини кўрсатади. Район Советлари ижроия комитетлари, шаҳар ижроия комитети ҳар бир омбор имкониятлари билан танишиб чиқишлари, идораларо тўсиқларни йўқотишлари, шу асосда омборларнинг ҳар бир квадрат метридан самарали фойдаланилишига эришмоқлари керак. Депутатлар ва халқ назоратчилари ҳам бу масалани ўз контроллиги остига олишлари лозим. Ахир, мавсумнинг энг қизғин даврида шаҳарнинг сабзисиз қолиши тайёрловчиларнинг ишни ташкил эта билмаслиги натижасидагина рўй бериши мумкин эди. Эрта пишган ҳосил сифати яхши эди, омборлар эса бутун ёз давомида бўш ётибди. Нима учун улардан фойдаланиш мумкин эмас экан?..

Муаммолар, муаммолар... Депутатлар келиб чиқаётган масалаларни ҳал этишда дадиллик кўрсатишлари лозим. Масалан; Наманган район Хонобод қишлоқ Советида шундай йўл тутдилар. Бу ерда колхозчиларнинг томорқаларида кўплаб помидор етиштирилади, маҳсулотни реализация қилиш проблемаси эса доимий равишда кун тартибида турарди. Бу ишга ижроия комитети енгишмариб киришмагунча шундай давом этиб келаверди. Учта топшириш пункти ташкил қилиниб, депутатлар назбатчилиги йўлга қўйилди. Кўпгина ишларнинг ўзига 32 минг та яшчик тарқатилиб, қатъий навбат асосида қабул қилиш йўлга қўйилган ва унга доимий равишда амал қилинмоқда.

Наманган области фақатгина сабзавот, мева, картошка, узум етиштирувчи йирик ишлаб чиқариш хўжалигигина эмас. Бу ердаги агросаноат бирлашмаси 34 совхозни бирлаштирган бўлиб, бу йилги планга кўра Тошкент шаҳрига 4900 тонна ҳўл мева етказиб бериши зарур. Август охиригача 2 минг тонна маҳсулот жўнатилди — бу эса ўтган йилнинг шу даврдагидан 500 тонна кўпдир. Область умумиттифоқ фондига 22 минг тонна сабзавот, 13,5 минг тонна ҳўл мева, 7 минг тонна полиз маҳсулоти, 5,5 минг тонна узум жўнатади. Бу область қишлоқ меҳнаткашларининг катта интернационал бурчи бўлиб, депутатлар бу йўлда қар қандай нобудгарчиликларга тўсиқ қўйиш ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак.

Наманган районида саратовликлар тажрибаси асосида йиғим-теримнинг боришини текширувчи 62 бирлашган назорат группалари ишлаб турибди. Йиғим-терим бораётган барча бригадаларда депутатлар, халқ контролёрлари, «Комсомол прожектори» аъзолари, қишлоқ мухбирларининг постлари тузилган. Уларнинг ғайратижоати натижасида районда 35 тонна маккажўхори, 62 тонна мева, 22 тонна сабзавот, 120 тонна озуқа экинлари асраб қолинди. Бу эса 1982 йил ҳосилига қўшилган салмоқли ҳиссадир. Область бўйича бундай мисоллари кўплаб келтириш мумкин. 1982 йил йиғим-терим мавсумининг янги ва жуда муҳим босқичи ўз сурьаталарини тезлаштирмоқда. Сабзавот ва дон экинларини йиғиб олиш тугалланмоқда, боғ ва узумзорларда, полизларда ҳосил йиғим-терими айни авжида. Пахта йиғим-терими бошланмоқда. Маҳаллий Советлар саратовликларнинг ташаббуси янада кенг қулоч ёйиши учун, «Бутун ҳосилни йиғайлик, асрайлик ва қайта ишлайлик!» шиори остидаги умумхалқ ҳаракати депутатларнинг бугунги кундаги асосий иши бўлиб қолиши учун барча чораларни кўрмоқдалар.

- **Умумхалқ ҳаракати кенг қулоч ёяверсин!**
- ***Меҳнаткашларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериб, мажбуриятларни шараф билан бажарайлик!***
- **Етиштирилган мўл-кўл ҳосилни авайлаб асрайлик!**
- *Дала-магазин конвейери пухта ташкил этилсин, нобудгарчиликка асло йўл қўйилмасин!*



Дон — бойлигимиз

Андижон область Бўз районидаги «Ленинчи» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуфаттоҳ Солиев бошлиқ бўлими маккажўхорикорлари ҳар гектар майдондан 100 центнердан «қаҳрабо дон» ҳосили олмоқдалар. Суратда: совхоз бош инженери Жуманазар Тургунов билан бўлим бошлиғи Абдуфаттоҳ Солиев.

А. Тўраев фотоси.

СИФАТЛИ СИЛОС

Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районида тўйимли ва ширали озуқа силос тайёрлаш — уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу ишга етарли миқдорда техника воситалари ва ишчи кучлари ажратилган. Районда ҳозирги кунга қадар деярли 4 минг тонна силос бостирилди. Бу ўтган йилги шу даврдаги кўрсаткичга нисбатан анча кўпдир.

Районда қатор илғор хўжаликлар силос тайёрлаш план ва топшириқларини уддаладилар. Жумладан, райондаги машъал хўжалик — Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари 2000 тонна силос тайёрладилар. Улар 40 гектар майдондаги силос учун экилган маккажўхорини 7 ош кунида ўриб олдилар. Ҳар гектар ердан 450—500 центнердан кўкпоя олинди. Маккажўхори ўримида 6 та ўрим комбайни юксак унум билан ишлатилди. Эркин Маҳмудов, Аҳмад Порсиев сингари механизаторлар, ҳамда Эргаш Холботаев ва Ҳасан Назаралиев сингари транспорт трактори ҳайдовчилари ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишди.

Ҳозир районнинг Ким Хен Ҳва номли «Ленин йўли», Энгелс номли ва бошқа бир қатор хўжаликларида силос тайёрлаш ишлари жадаллик билан олиб борилаётир.

— Маккажўхори ўрими ва силос тайёрлашда 29 та комбайн ва етарли миқдорда прицеп юксак унумларда ишлатилмоқда, — дейди район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг механизация бўйича бош инженери Т. Шарафутдинов. — Силос тайёрлашда сифатга алоҳида эътибор берилаётир.

Ф. ШОЙМУҲАМЕДОВА,
Тошкент области.

Мева ва узум:

Боғбонлар муваффақияти

Андижон области. Хўжабод райони боғбонлари дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Эл дастурхонига пландаги 2025 тонна ўрнига 2130 тонна мева етказиб берилди.

Бу муваффақиятга «Ленинград», «Правда», «Ленинизм», «Ўзбекистон» колхозлари новнеъмат бунёдкорлари катта ҳисса қўшдилар.

Район хўжаликларида мева топшириш қизғин давом этмоқда.

Р. ЖУМАНИЁЗОВА.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

ҚАРШИ («Совет Ўзбекистони» мухбири). КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошираётган Қашқадарё областининг боғбонлари давлатга ҳўл мева сотиш йиллик планини муддатидан илгари ошириб ado этдилар. Қабул пунктларига 20830 тоннадан зиёд ҳўл мева етказиб берилди. Бу пландагидан 1000 тонна кўпдир. Эришилган муваффақиятга Шаҳрисабз, Китоб, Қарши районлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Боғбонлар СССРнинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, ҳўл мева тайёрлашни тобора кўпайтирмоқдалар.

ИККИ ПЛАННИ КЎЗЛАБ

СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшаётган Сурхондарё область Олтинсой районидаги «Денов» совхози соҳибкорлари юбилей йилида ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳосилни йиғиштириб олиш ҳам уюшқоқлик билан давом этмоқда. Шу туфайли эл дастурхонига топширилаётган маҳсулот тобора кўпаймоқда. Куни кеча совхоздан хушхабар олинди. Совхоз соҳибкорлари пландаги 1743 тонна ўрнига 2000 тонна узум топшириб, йиллик маррани эгалладилар.

Планнинг бажарилишига Т. Маманиёзов, Т. Имомов, Т. Бердиев, М. Худойбердиев бошлиқ бригадалар аъзаматлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу бригадаларда икки-уч план миқдорида узум топширилди. Ҳар гектар ердан 140—160 центнердан узум олинди.

Боғларда ҳали ҳосил сероб. Шуни ҳисобга олган совхоз миришкорлари барча ҳосилни сира исроф қилмай йиғиб-териб олиб, шаҳарликлар дастурхонига яна 1700 тонна узум етказиб бериш мажбуриятини олишди.

Т. РАЗЗОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

ЯНГИ СОВХОЗЛАР

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири) КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида мамлакатимизда Озиқ-овқат программасини муваффақиятли ҳал этиш учун кураш шу куннинг бош вазифаси бўлиб қолди. Областда Озиқ-овқат программасини ҳал этиш истиқболларини кенг очишга имкон берадиган янги 6 та галлачилик ва чорвачилик совхози ташкил этилди.

Олот районида «Янги ҳаёт», Гиждувон районида «Меҳнатобод», Шофиркон районида «Тамбов», Свердлов районида «Авангард», Қоракўл районида «Пайкент», Когон районида «Целинник» совхозлари шулар жумласидандир.

Ишкомлар орасида узум узаётган йигит-қизлар кўринади. Улар орасида ёши қайтиб қолган эркагу аёллар ҳам бор. Ҳа, пишиқчилик даммани шошириб қўйди. Вақтни бой бермаслик даркор. «Бутун ҳосилни йиғайлик, асрайлик, қайта ишлайлик!» — Кувасой шаҳридаги «Мўян» боғдорчилик-узумчилик совхози меҳнат аҳли ишни республикамиз илғор бригада бошлиқларининг ана шу даъвати асосида ташкил қилганлар.

УЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

БОҒЛАР САХОВАТИ

Биз хўжаликнинг Баҳодир Абдуллаев бошлиқ пешқадам бригадаси боғларидамиз. Бу ерда узум узиш, айниқса, авжида. Токзорга тўташ шафтолизорларда ҳам иш қизғин. Мева ортилган трактор прицепи ва автомашиналар тайёрлов идоралари ва савдо ташкилотларига кетма-кет жўнатилиб турибди.

— Бу йил боғларимизда мева жуда сероб, — дейди бригада бошлиғи Б. Абдуллаев.— Бригадамиз 50 тоннадан зиёд гилос топшириб, планни ортиғи билан ado этган эди. Мана, навбат узумга келди. Ҳар куни 25 тонна ўрнига 35 тоннага етказиб узум узяпмиз. Бу йил олма ҳам мўл бўлди. Ҳосилни чамалаб кўриб, пландаги 130 тонна ўрнига 250 тонна олма теріб олишни мўлжаллаб турибмиз.

Шу пайт ишкомлар орасидан бўйдоргина, юзлари офтобда қорайган бир киши чиқиб келди. У иккинчи бўлим бошқарувчиси Убайдулла Абдуллаев экан. Бошқарувчининг қиқоя қилишича, бўлим совхознинг улкан кирмонига сел моқли ҳисса қўшади. Бошқачароқ қилиб айтганда бўлим ишчилари бу йил эл-юрт дастурхонига қарийб 1700 тонна мева ҳамда узум тортиқ этадилар.

«Мўян» боғларининг ширин-шакар ноз-неъматлари республикамиздан ташқари, мамлакатимизнинг қатор саноат районларига ҳам жўнатилмоқда. Москва, Красноярск, Екатеринбург, Владивосток шаҳарларига меҳнаткашлари, БАМ қурувчиларига юзлаб тонна ноз-неъматлар жўнатилди.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АХБОРОТ

ДИПЛОМ МУБОРАК

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ва тўқимачилик ҳамда енгил саноат ходимлари республика касаба союз комитети 1981 йили иқтисодий таълим системаси бўйича экономика ўқувини ва унинг пропагандасини яхшилаш мақсадида тармоқ корхоналари ўртасида «Энг яхши экономика метод советлари» ва «Энг яхши кўп тиражли газета» конкурсини эълон қилганди.

Министрлик ва тармоқ касаба союз комитети 1981 — 1982 ўқув йили якуни бўйича конкурс голибларини аниқлади.

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинати иқтисодий таълим системаси бўйича экономика совети энг яхши фаолияти учун биринчи даражали диплом билан мукофотланди.

Шу корхонада чиқадиган «Ишчи шарафи» ва «Рабочая честь» газета редакцияси коллективи экономика ўқуви ҳамда пропагандистлар фаолиятини актив ёритганлиги учун биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Министрлик ва тармоқ касаба союзи республика комитетининг фахрий ёрлиғи билан пропагандистлардан слесарь-ремонтчи Қосимжон Азимов ва тўқимачилик ишлаб чиқариши план бўлими бошлиғи Одилжон Ёқубовлар мукофотландилар.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

АМБУЛАТОРИЯЛАР ҚУПАЙМОҚДА

Уйғи районы санитария-даволаш бирлашмаси аҳолига ички медицина хизмати кўрсатишни тубдан яхшилади. Яқинда райондаги Ғайрат ҳамда Қизилровот қишлоқ Советларида янгидан врачлик амбулаториялари очилиб, ишга туширилди. Бу врачлик амбулаторияларида терапия, педиатрия, акушерлик, стоматология кабинетлари бўлиб, зарур замонавий медицина асбоблари ва тажрибали шифокорлар билан таъминланди.

Э. НАСРИДДИНОВ.

ЎЗБЕК КИНОЧИЛАРИ ИВАНОВОДА

Республикамизнинг юзлаб комсомол-ёшлари, турли касб эгалари РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасидаги ерларни обод қилиш, янги совхозлар ташкил қилишда фидоийлик билан меҳнат қилишмоқда. «Главсредазирсовхоз строй»нинг бир группа мелиораторлари саккиз йилдан буён Иваново областида уй-жой, саноат корхоналари бунёд этаётирлар. Бу ерда ўнлаб янги совхозлар ташкил қилинди.

Яқинда Ўзбекистон кинематографчилари Ноқоратупроқ зонага келиб, «Дружба» ва «Ўзбекистон» совхозларида ишлаётганлар ҳузурида бўлишди. Бўлиб ўтган учрашувда кинорежиссёр Ғ. Шермуҳамедов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист У. Алиқўжаев, кино артистлари Р. Исмонлова, У. Луқмоновалар «Ўзбекфильм»нинг янги ишлаб чиқарган кинофильмлари тўғрисида, ижодий коллектив Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига қандай тайёргарлик кўраётгани ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Учрашув охирида кинофильмлар намойиш қилинди.

М. ҲИДОЯТОВ.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Андижондаги 162-қурилиш трести бинокорлари яқинда ип-газлама комбинати ва бошқа 10 га яқин қурилиш муассасаларида ишлаётган ишчи, хизматчиларнинг болаларига боғча-ясли қуриб берган эди. Шаҳардаги Володарский номли ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиларининг фарзандлари трест қурувчилари бунёд этган икки қаватли 320 ўринли болалар боғчасига қатнаётирлар.

С. МУЙДИНОВ.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Олтиариқ район марказида очилган автовокзал кунига икки ярим минг йўловчига хизмат кўрсатади. Бу ерда йўловчилар учун барча шароитлар муҳайё. Кутиш зали, буфет ва бошқа қулайликлар мавжуд. Суратда: Олтиариқдаги янги автовокзалнинг умумий кўриниши.

Ш. Алимов фотоси. (ЎзТАГ).

ҚУРУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Челябинск қурилиш-монтаж бошқармасининг 3-участкаси коллективи Бухоро ип-газлама комбинати учун сейсмик жиҳатдан чидамли блоклар тайёрлаб бераётир. Давлат комиссияси корхонанинг тўқимачилик ишлаб чиқариши объектларини «аъло» баҳо билан қабул қилиб олди. Кенглиги 400 квадрат метр, оғирлиги 150 тонна келадиган блоклар ерда — махсус майдонда тайёрланиб, сўнгра блок ҳолида кўтариш механизмлари ёрдамида монтаж қилинаётир. Бу эса қурилиш ишларини қисқа вақтда бажариш имконини беряпти.

Бошқарма биринчи марта Челябинск металлургия заводини мана шу усулда қурган эди. Н. Булатов ва В. Цимбалюк бошлиқ монтажчилар бригадалари тўқимачилик бўлимчалари объектларида герметизация ишларини тугаллашмоқдалар.

Н. КРОХИН.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Эски Термиз ва Зартепа шаҳарчаларида қазиш ишлари давом эттирилятти. Узбекистон ССР Фанлар академияси Археология институтининг Термиз отряди коллективи Эски Термиз мудофаа иншоотларини текширишяпти. Суратда: Зартепа шаҳарчасининг турар жой кварталидаги қазишма ишлари.

И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

Болаларингизга ўқиб беринг

Мирсаид МИРШАКАР

ТИРИКЛАРДАН ТИРИК

Ҳар гал Қизил майдондан
Ўтганингда, фарзандим,
Оқиста қадам ташлаб,
Эҳтиром-ла қил таъзим.
Таъзим қил, Мавзолейда
Ётибди бобонг — Ленин.
Унинг покиза номи
Юртимиз руҳи, билгин!
Таъзим қил, у яшайди
Бу ҳаёт қучоғида,
Таъзим қил, у элларнинг,
Дилларнинг ардоғида.
Унинг номи-ла Ватан
Зафару шуҳрат топди,
Қаҳрамон, жасур халқи
Жаҳоний ҳурмат топди.
Шу ҳурмат, зафарларнинг
Барига Ленин шерик.
Ленин бор сафимизда,
Тириклардан ҳам тирик.

Убайд РАЖАБ

ЕР ҲИДИ

Дадажоним ер ҳайдар,
Ер ҳайдаб, қўшиқ айтар.
Паррандалар бўлиб жўр,
Қилишар гўё ҳузур.
«Чув-чув-чув-чув,
қар-қар-қар!» —
Қулоқ қоматга келар.
Трактор орқасидан,
Шудгорлар орасидан
Зап ёқимли ҳид келар.
Иштаҳамни қитиқлар:
Майса ҳиди, роғ ҳиди,
Мева ҳиди, боғ ҳиди,
Буғдой ҳиди, нон ҳиди,
Тўкин дастурхон ҳиди,
Маржон-маржон тер ҳиди,
Эҳ, қандай соз Ер ҳиди!

Шоди САТТОР таржималари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Жаҳон халқларининг ижоди. 10.15 — Бошқа баландлик. 10.25 — Будильник. 10.55 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.55 — Здоровье. 12.40 — Тонгги почта. 13.10 — Қишлоқ янгиликлари. 14.10 — Музикали киоск. 14.40 — Волейбол бўйича халқаро турнир. 15.10 — Бугун — Нефть ва газ саноати ходимлари куни. 15.25 — Хатларингиз асосида... 16.05 — Ҳужжатли фильм. 16.25 — Андроников сўзи. 17.15 — Гандбол бўйича СССР чемпионати. 17.45 — Халқаро панорама. 18.30 — Мавсумнинг охирги куни. Цирк томошалари. 20.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 21.30 — Время. 22.05 — Семён Дежнёв жасорати. Ҳужжатли фильм. 22.25 — Футбол бўйича ёшлар чемпионатининг саралаш матчи. 24.00 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.15 — Юпитер ҳалқаси. 9.30 — Сенинг дастлабки соатинг. Бадиий фильм. 11.00 — Мўъжизаси-мўъжизалар. 12.00 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 13.30 — Поэзия альманахи. 15.00 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 15.30 — Кучлилар, довюраклар, эпчиллар. 16.15 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 17.00 — Болалар бадиий коллективларининг концерти. 17.25 — Жаноби олийларининг адъютанти. Бадиий фильм. 2-серия. 18.45 — Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. 19.35 — Кинопанорама. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Денгиз ёқасидаги музей. 21.05 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Трюфель овловчилар.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Фильм-концерт. 10.35 — Сўнгги таътилдар. Бадиий фильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Ешлик. 14.00 — Ўзбекистон спорти. 14.30 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 15.00 — Реклама. 18.05 — Қўғирчоқ фильмлар. 18.30 — Фонарик. 19.00 — Бугун — Нефть ва газ саноати ходимлари куни. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Ўзбекистон рассомлари — кинематографчилар ҳузурида. 20.10 — Ахборот. 20.30 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Даврамизга марҳабо! 21.30 — Время. 22.05 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Даврамизга марҳабо!

Қирғизистон телевидениесининг программаси.

16.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

Биринчи программа. 8.30 — Область театрлари артистлари ижро этади. 9.15 — Табассум. 11.30 — Сиз ёқтирган асарлар. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Нефть ва газ саноати ходимлари, Сизлар учун. 14.00 — Табаррук замин. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.40 — Эстрада миниатюралари. 18.15 — Халқ саломатлиги — мамлакат бойлиги. 18.30 — Халқ қўйлари. 19.25 — Ешлик. 20.50 — Социалистик турмуш тараи. 21.00 — Қўшиқ шинавандалари — радио меҳмони. 22.30 — С. Абдулла шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/IX да **Бой ила хизматчи**, 7/IX да **Гурунг**, 8/IX да **Абу Али ибн Сино**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/IX да **Гулсара**, 6/IX да **Олифта**, 8/IX да **Ешликда берган кўнгил**.

КОНТЕЙНЕР САВДОСИ

Фельетон

Чайқовчининг кирмаган эшиги, суқилмаган тешиги йўқ. Пул чиқадиган жойнинг исини сезса, ҳатто игнанинг тешигидан ҳам ўтиб кета олади. Илгари пишиқчилик бошланди, дегунча шимолдаги шаҳарларга қатнайдиган поезд ва самолётлар чайқовчининг ящик-ящик помидор, узум, ерёнғоқ, хуллас қимматроққа пулласа бўладиган ҳўл мева, сабзавотини ташиш билан банд бўларди. Кейин холодильникли машиналарни кира қилиб, ўн-ўн беш тонналаб юк билан чорбозорчилик қилиш расм бўлди. Бунинг ҳам йўли тўсиб қўйилганидан кейин чайқовчи бошқа шаҳарларга мол олиб боришнинг яна бир усулини топди. Энди у шимолга одатдагидай ящик ва қопларга жойланган сабзавот ва ҳўл мевани эмас, «кўч-кўрони»ни кўтариб кетадиган бўлди.

... Мана, Тошкент товар станциясининг чўп суқилгани ари уясидай одамлар ғужғон ўйнаётган контейнер идораси. Ҳаммага контейнер керак. Ҳеч кимда кутишга тоқат йўқ. Ложки бўлса тезроқ ишни битирса-ю, кўч-кўронини тезроқ жўнатса.

— Жон опа, болаларимга раҳмингиз келсин, — чуст дўппили йигит идора ходими Раиса Васицкая ўтирган хонанинг дарчасидан бошини суқиб мўлтираб дейди. — Кўчим кўчада қолди, болаларим ерда ўтиришибди. Илтимос, контейнерни тезлаштириб беринг.

— Ложким йўқ, — дейди Раиса Васицкая елкасини қисиб. — Навбат кутинг.

Йигит алламаларга ишора қилиб, иягини сиппаб ҳам кўрди, пул санагандай бармоқларини бир-бирига тез-тез ишқаб ҳам кўрсатди, аммо фойдаси бўлмади. Тарвузи қўлтиғидан тушиб, дарчадан четлашиши билан кўзи башангина бир йигитга тушди.

— Қанақа юк жўнатмоқчисиз, биродар, — деди нотаниш йигит уни бир чеккага имлаб чақираркан. — Мабодо, ёрдамим тегмайдими?

Чуст дўппили йигит бу гапни эшитиб, кўзлари чақнаб кетди. Йўқотган нарсасини топиб олгандай ҳовлиқиб қолди.

— Оғайни, ёрдамлашвор, ўн кундан бери кўчимни жўнатолмаяпман, — деди у ҳожатбарор йигитнинг этагидан маҳкам ушлаб. — Яхшилигингни унутмайман.

— Кўчми, ё?.. — йигит ўсмоқчилаб сўради. — Тўғрисини айт, кўч-кўрон бўлса, юкинг айнимайди, навбатда туравер. Аммо сабзавот ё мева бўлса, бунинг йўриғи бошқа.

— Биродар, ҳеч кимга билдирмасанг, айтаман, — у атрофга олазарак боқиб, аста шивирлади. — Уч-тўрт тонна ерёнғоғим бор, Ригага жўнатмоқчийдим.

— Бўпти, қани бўеққа юр-чи, — йигит уни панага етаклади. — Бугунок беш тонналик контейнер олиб бераман. Ҳақи эса... Ҳақи бир минг бир юз эллик сўм бўлади. Қалай, розимисан?

— Қиммароқ эмасми, биродар? Сал режага келадиган гапни гапир.

— Бўлгани шу, бир тийин ҳам ками йўқ.

— Майли, розиман. Пулни ҳозир берайми?..

Улар ҳудди бозордаги даллоллар сингари қўл қисишиб, «бор, барака топ» қилишди.

Радик Гумбатяннинг иш жойи, касб-кори бошқа бўлгани билан Тошкент товар станциясида отнинг қащқасидай танилиб қолган эди. Мираамурод Мирзааҳмедов билан ишни пишириб олганидан кейин станциянинг ҳовлисида кимнидир излаб зир югурди. Ниҳоят, «Ташгорспецавтотранс» ташкилотида шофер бўлиб ишлайдиган Евгений Юртаевга дуч келди-да, унга алланарсаларни уқтирди. Кейин яна Мирзааҳмедовнинг ёнига қайтди.

— Контейнер тайёр, қани, муллажиринги чўз, — деди у қўл узатиб. Сўнг тўсатдан эсига тушиб қолгандай сўради. — Айтгандай, молинг қаерда, тайёрми?

— Қишлоқда. Пискентдаги Охунбобоев номли колхозда. Ҳозир машина топиб олиб келаман, — контейнернинг дарагини эштиб Мирзааҳмедов шошиб қолди.

— Тўхта,— Гумбатян уни орқага қайтарди. — Машина бор, кирасини тўласанг, ўзим олиб келиб бераман. Нима дейсан?

— Зўр иш бўларди-да...

Гумбатян «Подъемник» ишлаб чиқариш бирлашмасида шофер бўлиб ишларди. У Пискентга қатнаб, Мирзааҳмедовнинг ерёнғогини ташиб, беш тонналик контейнерни тўлдирди-да, ҳужжатларни аллакимларнинг номига расмийлаштириб. Болтиқбўйи темир йўли орқали Телпшей станциясига жўнатди. У ишини осонгина битирганидан оғзи қулоғига етиб, идорадан чиқиб келаётганида Евгений Юртаев ҳовлиқиб келиб қолди.

— Бўлдингми, қани юр, Содиқовга ёрдаминг керак бўлиб қолди. Ернинг тагидан бўлса ҳам топиб кел, деди.

— Тинчликми?

— Семизроқ қуш келиб қолди, патини юлмоқчи.

«Семиз қуш» дегани Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг ишчиси Владимир Ли экан.

— Пиёз билан гуручим бор, — деди у бир йўла очиқ савдога кўчиб қўя қоларкан. — Топилса, иккита контейнерда Комсомольск-Амур шаҳрига пиёз, битта контейнерда эса Хабаровск шаҳрига гуруч юбормоқчийдим. Гапни айлантирмай, лўндасини айтиб қўя қолинглар, шу иш қўлларингдан келадими ё келмайдими?

— Қўлимиздан келади, — Турсунбой Содиқов ҳам савдони очиқ қилди. — Беш тонналик контейнернинг ҳар биттасига тўққиз юз сўмдан тўлайсан. Қолган чиқими бизнинг гарданимизга. Қалай, маъқулми?..

Шундан сўнг Содиқов Гумбатян билан Юртаевни ёнига олиб, контейнер ҳақида гаплашиб олгани идорага кириб кетди. У ерда ишини битириб бўлгач, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида шофер бўлиб ишлайдиган Васил Айрапетянни топди-да, унга машинасида Лининг пиёзларини олиб келишни, контейнерга «уй жиҳозлари» юклангани ҳақида ҳужжат ҳозирлашни топширди. Ҳамма иш хамирдан қил суғургандай осонлик билан битди. Идоранинг масъул ходими Р. Васицкая ҳатто контейнердаги «кўч-кўрон»ни текшириб ҳам ўтирмай, эшигини муҳрлаб қўя қолди. Гуруч тўлдирилган контейнер ҳам шу усулда вагонга ортилди.

Гумбатян билан Содиқов ҳақиқатан ҳам контейнер идорасида кимнинг қаери мойланса, индамай йўриғига йўрғалашини яхши билиб олишганди. Тўртовлон тугал бўлса, осмондагини ундираркан. — Турсунбой Содиқов навбатдаги «иш»дан кейин қўлларини бир-бирига ишқаб, мамнун ҳолда шерикларига гап уқтирди. — Ишқилиб, ўртамиздаги тугаллик йўқолмасин. Биримиз қош, биримиз кўзлигимизча қолайлик. Аҳил бўлсак, ҳамиша пичоғимиз мой устида бўлади.

Бири кўз, бири қош бу йигитлар «Узгосмонводстрой»нинг Тошкентдаги 1-автокорхонаси шофери Абдуманноб Аҳмонов билан республика Алоқа министрлигига қарашли механизациялашган бошқарма шофери Владислав Беньюш ҳам қўшилганидан кейин сафлари кенгайиб, олтовлон бўлишди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз киндигини ўзлари кесган, бўрк деса бош олиб келадиган йигитлар тоифасидан эди. Мижоз келиб қолгудек бўлса, ҳаммаси бараварига ёпишиб, кўз очиб юмгунча йўқ ердан контейнерни, унинг юкини олиб келгани юк автомашинасини ҳам тайёр қилиб бериша оларди. Ишқилиб, мижоз уларнинг оғзидан чиққан пулни тўласа бўлгани эди.

Ўхшатмасдан учратмас, деганларидек, контейнер идорасида уя қуриб олган бу олғирларнинг доимий мижозлари ҳам пайдо бўла бошлади. Ҳадеганда, Узоқ Шарқдаги шаҳарларга танда қўйиб, чайқовчиликда пихи қайрилган Владимир Ли, номигагина Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозга аъзо бўлиб, аслида эса чорбозорчиликни касб қилиб олган Ҳусан Солиев, Мирзамурод Мирзааҳмедов, Шайдулло Қўчқоров, Заҳриддин Минаваров, Чинтош Жўмонов, Ўрта Чирчиқ районидаги Авангард қишлоғида яшаб шимолдаги шаҳарларнинг бозорини ўзиники қилиб олган Худойқул Эрқулов кабилар ана шулар жумласидан эди. Улар пишиқчилик бошланди, дегунча контейнерга уй-рўзғор буюмлари номи билан тонна-тоннаблаб мева-чева, сабзавот маҳсулотлари ортиб, бошқа шаҳарларда бирни иккига пуллашни касб қилиб олишди. Чайқовчи учун энг осон йўли шу бўлиб қолди. Чунки контейнерни йўлда ҳеч ким текширимайди, юк белгиланган жойга вақтида етиб боради.

Энди шундай савол туғилади: хўш, уларнинг мушкулини осон қилиб, ҳадеганда «хоҳлаган контейнерингни танлаб ол» деб ҳожатбарорлик қилиб турадиган олти оғайни олғирларнинг ўзлари киму, уларнинг Тошкент товар станциясига қандай алоқалари бор? Ё контейнер идораси уларнинг маҳрига тушганми? Нима учун идора ходими Раиса Васицкая бу олғирларнинг чизган чизиғидан чиқмай, улар истаган вақтда катта деса катта, кичик деса кичик контейнерларни навбатсиз муҳайё қилиб, ҳатто унга қандай юк ортилганини текшириб кўришни ўзига эп билмайди? Тошкент товар станцияси ҳамда унинг контейнер идораси раҳбарлари навбат Содиқов ва унинг шерикларига келганда нима учун кўз ва қулоқларини чиппа беркитиб олиб, гўё ҳеч нарса сезмагандай юраверадилар? Контейнер идорасига сира ҳам алоқаси бўлмаган бир тўда текинхўр кишиларнинг юлғичлик билан ошкора шуғулланиб юрганини кўрабила туриб нега ҳеч ким ҳеч нарса демайди? Балки сабабсиз шудгорда қўйруқ бўлмаганидек, станциянинг бу хилда бедарвоза бўлиб қолишида ҳам бирор гап бордир? Хуллас, бу ерда бўлган одамда станциядаги аҳволни кўргач, ана шундай беҳисоб саволлар туғилиши табиийдир. Биз ҳам ушбу фельетонимизга охирги нуқтани қўяр эканмиз, ана шундай саволлар билан Тошкент темир йўл бўлинмаси раҳбарларига мурожаат қилмоқчимиз: қачонгача контейнер идораси ходимлари юлғичлар ва чорбозорчи чайқовчилар чирмандасига ўйнаб, уларнинг мушкулини осон қилиб юради?

О. ШОДИХЎЖАЕВ,
Р. ТУРСУНОВ.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

1982—83 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган илғор ишчилар, колхозчилар, СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, колхоз, совхоз, ҳарбий қисм қўмондонлигининг йўлланмаси билан қабул қилинадилар.

Кундузги умумтаълим мактабини битирганлар мактабдан кейинги узлуксиз бир йиллик меҳнат стажига эга бўлган тақдирдагина, фақат кичик медицина ходимлари ҳисобидан (беморларга қаровчи кичик медицина ҳамширалари ва санитаркалар) даволаш ва санитария-профилактика, дорихона муассасаларининг, суд-медицина экспертизасининг йўлланмалари билан, 2 йил меҳнат стажига (шу жумладан сўнгги йили узлуксиз бўлиши лозим) эга бўлган ҳолдагина қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига йўлланма билан келганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: ректор номига ариза, тайёрлов бўлимига берилган йўлланма, ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат, характеристика, 286-формали медицина справкаси, 6 та фотосурат (3х4 см.), меҳнат дафтарчаси ва унинг корхона раҳбари томонидан тасдиқланган нусхаси.

Ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобда турганлигингиз ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёнингизда бўлиши керак.

Кечки тайёрлов бўлимига аризалар қабул қилинмоқда.

Машғулотлар — 1 октябрдан бошланади.

Кундузги тайёрлов бўлимига аризалар 1 октябрдан 10 ноябргача қабул қилинади.

Машғулотлар 1 декабрда бошланади.

Кечки ва кундузги тайёрлов бўлимларига қабул синов мулоқоти якунларига кўра ўтказилади.

Ўқиш муддати: кечки тайёрлов бўлимида — 10 ой, кундузги бўлимда — 8 ой.

Тингловчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кундузги тайёрлов бўлими ўқувчиларига стипендия берилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, 33-алоқа бўлими, К. Маркс кўчаси, 103-уй.

Узбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

кафедра мудирлари: амалий механика, авиация материаллари технологияси, тўқима материаллар технологияси, (фан доктори, профессор, фан кандидати, доцент);

кафедра доцентлари: умумий электротехника;

кафедра катта ўқитувчилари: учиш аппаратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва экономика, геодезия ва маркшейдерия, гидротехник иншоотлар, биринчи жисмоний тарбия, иссиқлик электр станциялари, этика, эстетика ва дизайна;

кафедра ассистентлари: саноат-граждан бинолари архитектураси, умумий электротехника.

НАМАНГАН ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА:

кафедра доцентлари: сиёсий иқтисод;

кафедра катта ўқитувчилари: физика, химия, назарий механика, гидротехника иншоотлари;

кафедра ассистентлари: машина ва механизмлар назарияси.

САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА

кафедра доцентлари: конструкция материаллари технологияси;

кафедра ассистентлари: инженерлик графикаси.

ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА

кафедра катта ўқитувчилари: саноат-граждан бинолари архитектураси, физика;

кафедра ассистентлари: саноат граждан бинолари архитектураси, қурилиш конструкциялари (2).

Конкурс муддати — 1 октябрга.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП. 13-алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 13-уй, 49-хона.

СПОРТ

БОКС:

АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВ

ГФРнинг Мюльгайм-Рур шаҳри билан Ўзбекистон боксчиларининг ўзаро ўртоқлик учрашувлари ўтказиш анъанага айланган. Навбатдаги беш учрашув Самарқандда ўтказилди. Республикамиз боксчилари бу сафар ҳам муваффақият қозонишди. Учрашувда самарқандлик А. Мельников — А. Гиттарини, унинг ҳамшаҳри Э. Одилов — У. Хаманни маглубиятга учратишди. Шунингдек, И. Каржаманов — И. Йондан, С. Василенко — Г. Зимандан, Х. Матжонов — Х. Велнодан, И. Аракелов — Ф. Херницдан устун келдилар. Энди учрашув Мюльгайм-Рурда ўтказиладиган бўлди.

ГИМНАСТИКА:

ТЕМИРИЙЧИЛАР ЮТУҒИ

Брянск шаҳрида якунланган «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг чемпионатида Урта Осиё темир йўли командаси қизлари ғалабага эришдилар. Гимнастикачи йигитлар эса бронза медали совриндори бўлишди. Бу ютуқда О. Хомяков халқада, таяниб сакрашда ва эркин машқлари бўйича қўлга киритган натижалари билан муносиб ҳисса қўшди. 14 ёшли Г. Королёванинг эса эркин машқ бажариши 9,6 балл билан баҳоланди. У кўнкурашда 72,7 балл тўплаб, биринчи марта спорт мастери нормативини бажарди.

ФУТБОЛ:

ЯШИЛ МАЙДОНЛАРДА

Олий лига командалари ўртасида бир учрашув ўтказилди. Бунда ЦСКА — Динамо (К) футболчилари (1:1) очколларни баҳам кўришди. Ҳозир «Пахтакор», «Днепр» ва «Динамо» (К) командаларида 23 тадан очко тўпланган бўлса, «Торпедо» (К), «Шахтёр» ва ЦСКА коллективларининг очколари 17 тага етди.

Иккинчи лиганинг Узбекистон зонасида ҳам навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Фахрли ўринларни эгаллаб турган самарқандлик динамочилар билан Фарғонанинг «Нефтянник» командаси учрашувида 3:0 ҳисоби қайд этилди. Самарқандликлар 42 очко билан биринчи ўриндаги мавқеларини мустаҳкамлашди. Наманганнинг «Навбаҳор» командаси «Хоразм» коллективини қабул қилиб (3:0) очколларини 38 тага етказди. Тошкентнинг «Старт» командаси Ушнинг «Олой» футболчиларини 2:0 ҳисобида енгиб, 37 очко билан учинчи ўринга кўтарилди.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ОТ—ТЕХНИКАГА ЁРДАМЧИ

Харьков область Золочев районидаги Киров номли колхознинг мутахассислари автомобиль билан мотоциклни аравага алмаштирдилар. Уларнинг фикрича, айниқса ҳаво бузуқ бўлганида олис далалар ва фермаларга бориш учун бундан яхши транспорт йўқ.

Хўжаликда боқилаётган юзтага яқин от машина — трактор паркига яхши мадад бўлди. Бу ерда, масалан, бир неча боғ пичан ёки бир неча бидон сут учун 3 тоннали юк машинаси юборилмайди. Хўжалик ичида чоғроқ юкларни ташишда аравадан нафли нарса йўқ. Томорқаларни ҳайдашда эса от сўқалари жуда қўл келмоқда.

Ҳар йили от-арава колхозга анча-мунча маблағ тежаб бермоқда. Бошқа бир қанча хўжаликлар ҳам от-араванинг афзалликларидан қаноат ҳосил қилди. Областда йилқичиликни ривожлантириш плани ишлаб чиқилди. Айни маҳалда Волчанский арава заводида дала йўлларида юриш учун икки кишилик қулай арава тайёрлаш кўпайтирилмоқда.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари—33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49; 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02150. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 203. 6